

336

336.22

И 47

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ
ОЛИЙ БИЗНЕС МАКТАБИ

afzN2

О.К.ИМИНОВ, Ш.Ш.ТУРАЕВ

СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ

ТАХЛИЛ ЭТИШНИНГ

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

2032707

Монография



«Akademiya» нашриёти

Тошкент – 2005 й.

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti

322 382 - 86

Axborot Resurs Markazi

- 53

О.К.Иминов, Ш.Ш.Тўраев. Солиқса тортини таҳлил этишнинг долзарб масалалари. Монография—Т. Akademiya, 2005 й. 130 — бет.

Ушбу монографияда бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимизда амал қиласдан солиқ тизими таҳлил этилиб, муаллифлар асосий эътиборни солиқларнинг иқтисодий моҳияти, мамлакат миллий иқтисодиётида тутган ўрни, солиқ статистикасининг назарий асослари, маълумот манбалари, тўғри ва эгри солиқлар таҳлили, иқтисодиётда солиқ юки, бозор муносабатлари шароитида солиқ тушумларига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таҳлили, корхоналар солиқ муносабатларини таҳлил қилиш йўналишлари, солиқ кўрсаткичларини келгусида башоратлаш каби масалаларга қараттанлар.

Монография олий ўкув юртлари талабалари, магистрантлар, тадқиқотчилар, мутахассислар ва шу соҳага қизикувчи барча китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси Илмий кенгаши томонидан нашрия тавсия этилган.

Масъул мухаррир:

иқтисод фанлари номзоди, доцент М.Ф.Алиев

T a қ r i z c i l a r :

иқтисод фанлари доктори

М.И.Алимардонов

иқтисод фанлари номзоди

Д.Х.Суюнов

© «Akademiya» нашриёти. Тошкент 2005 йил

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
1-боб. СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚ СТАТИСТИКАСИННИГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Солиқларнинг иқтисодий мөдияти, функциялари ва умумий таомийллари.....	9
1.2. Солиқларнинг объектив зарурлиги ва уларни миллий иқтисодиётда туттган ўрни.....	23
1.3. Солиқ тизими ва солиқларнинг гурухланиши.....	36
1.4. Солиқлар статистикасининг назарий асослари	40
1.5. Солиқлар статистикасини ташкил этишда ахборот манбалари.....	46
2-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОЛИҚЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ	
2.1. Тўғри (бевосита) солиқларнинг иқтисодий – статистик таҳлили.....	49
2.2. Эгри (бильвосита) солиқларнинг иқтисодий – статистик таҳлили.....	64
2.3. Ўзбекистон иқтисодиётида солиқ юки ва унинг иқтисодий – статистик таҳлили.....	77
2.4. Бозор муносабатлари шароитида солиқ тушумларига таъсир этувчи омиллар ва уларни таҳлил қилиш усуллари.....	86
2.5. Корхоналар солиқ муносабатларини таҳлил қилишнинг асосий йўналишлари.....	93
3-боб. СОЛИҚЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ – СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАДИШЛАРИ	
3.1. Солиқларни иқтисодий – статистик таҳлил қилишдаги асосий муаммолар ва уларнинг мөдияти.....	99
3.2. Солиқ тизими таҳлилида статистик усулларни кўллаш хусусиятлари.....	103
3.3. Солиқ кўрсаткичларини келгусида башпоратланш усуллари.....	106
Холоса.....	111
Адабиётлар рўйхати.....	115
Иловалар.....	122

*"Солиқ тизими ҳам
бозор инфраструктурасининг
таркибий қисми ҳисобланади.
Уни ҳали чинакамига ташкил
этишга тұғыр келади."*

Ислом Каримов

КИРИШ

Солиқлар бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи күчлардан биридір. Солиқ тизимини шаклантириш ва такомиллаштириб бориши мамлакатимизда олиб борилаёттан иқтисодий ислоҳотларнинг ҳал қилювчи йұналишларидан биридір. Солиқ сиёсатини муваффакиятли амалға ошириш иқтисодиёт олдіда турған устувор мұаммоларни ҳал қилишда асосий роль үйнайды. Мамлакат миллий иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг бутунгі күндаги асосий вазифаларидан бири бу ажоли турмуш даражасини яхшилаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва хусусий секторни ривожланиши учун қулай шароит яратылады.

Ушбу масалаларни ҳал қилишда солиқ тизими асосий омиллардан ҳисобланади ва уни такомиллаштиришни талаб этади. Шу мүносабат билан мәзкүр вазифаны ҳал қилиш нұқтаи назаридан, солиқ тизимининг устуворликлари муайян тарзда қайта күриб чиқилиши зарур. Бу борада мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг 2005 жыл 28 январь куни Олий Мажлис Қонунчылық палатасы ва Сенатининг күшті маңыздыдагы "Бизнинг бөш мәқсадымыз" – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдір" мавзусидаги маъруzasыда 2005 жылда иқтисодий ислоҳотларни амалға оширишнинг әнг мүҳим устувор

вазифалари ҳақида қисқача тұхталиб ўтар экан, «Принципнал мұдым устувор вазифалардан бири – солиқ сиёсатини янада тәкомиллаштиришдір»¹ деб таъқидлаб ўтдилар. Шу билан бир қаторда, мамлакат олдиғаты устувор вазифаларнинг барчаси солиқ сиёсатини тәкомиллаштириш билан бевосита боғлиқлиги түғрисида тұхталиб, 1997 йилда ишлаб чықылған ва қабул қилинганд Солиқ кодекси ислоҳотлар соҳасыда бугунғи күннинг янги ва устувор вазифалари талабларига жавоб бермаёттани хусусида фикр билдирилар. Ана шунинг учун ҳам фақат сүнгти икки йил мобайнида, Солиқ кодекси ва солиқ қонуғчилігига 100 дан ортиқ ўзгариш ва құшымчалар кириллгани ҳам шундан да болат береді.

Республика давлат мұстақиллігінинг ўттан ўн түрт йилдан ортиқроқ даврида иқтисодий ислоҳотларнинг күзде түтилган дастлабки мақсад ва вазифаларига әршилді. Собиқ Иттифоқ давридан мерес бўлиб қолған иқтисодий бекарорлик бартараф этилди, бозор муносабатларининг реал ҳаётда амал қилиши учун ҳуқуқий ва меъёрий асослари яратилди, мулкчilik синflари вужудга келди. Ҳозирда иқтисодиётни әркинлаштириш, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар фаолиятларини тартибга солиш, уларнинг даромадларини, ер, мол-мulkларини солиққа тортишни тәкомиллаштириш ва давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали воситаларини құllаш зарурати келиб чиқмоқда.

Ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши ва тараққиеті асосида маълум таҳлиллар ва изланишлар ётади. Мустақиллікка әршиганимиздан сүнг давлатимиз ўзининг шул, кредит, молия тизимиге эга бўлди ва шу билан бир қаторда солиқ сиёсатини

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш. Мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон. 2005. 88 бет.

ҳам олиб бормоқда ва ривожлантироқда. Солиқлар давлатнинг қатор вазифаларини бажариш учун молиявий манба бўлиб хизмат қиласди. Бозор муносабатлари таомиллашиб бориши билан солиқ тўловларини ва тушумларини ҳамда унга таъсир этувчи омилларни атрофлича баҳолашда статистика усусларидан кенг фойдаланишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида солиқларни иқтисодий-статистик таҳлил қилиш усусларини таомиллаштириш ва шу таҳлиллар асосида тизимнинг ўсиш (камайиш) тенденцияларини, солиқларнинг хўжалик фаолиятига таъсирини ўрганиш бугунги кун иқтисодиётининг долзарб маслаларидан ҳисобланади. Бу масалалар республикамизда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларида маълум даражада ўз аксини топғанлигига қарамай, ижтимоий-иқтисодий вазият ўзгариб бориши билан моҳияти ўзгараётган кўплаб муаммолар мавжудки, улар ушбу мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Солиқлар, солиқ сиёсати, солиқларни иқтисодий-статистик таҳлил қилиш ва ударни хўжалик субъектлари фаолиятларига таъсирини ўрганишга кўплаб хорижлик олимлар, жумладан, А.Смит, Д.Рикардо, А.Аткинсон, С.Брю, Р.Макконел, М.Фридман, А.Лаффер, Д.Черник, П.Самуэльсон, Ж.Кейнс, А.Харрод, Ю.Фишер, А.Гайдо, М.Кемпбелл, шунингдек, Ўзбекистонлик олимлар Т.Маликов, О.Иминов, Н.Ҳайдаров, Э.Гадоев, Р.Азимов, Ш.Гатаулин, Н.Соатов, Х.Набиев, А.Набиҳўжаев, О.Олимжонов, Б.Фойибназаров, А.Пардаев, Ҳ.Собиров, Қ.Яҳёев, Қ.Бозоров, М.Алимардонов, А.Жўраев, О.Абдураҳмонов, О.Гайбуллаев ва бошқалар ўзларининг илмий ва ўқув адабиётларида бу масалани ёритиб беришга ҳаракат қилишган.

Юқорида номлари қайд әтилған олым ва мутахассислар томонидан солиқларнинг назарий асослари, иқтисодий мазмунни, миллий иқтисодиётдаги ўрни ва ялии ички маҳсулотни тақсимлашдаги роли ва аҳамияти түгрисида кўплаб илмий фикрлар ҳамда мулоҳазалар билдирилган, аммо бу олимлар ўз асарларида айнан солиқларни таҳлил қилиш, солиқларни корхоналар фаолиятига таъсирини ўрганиш, солиқ кўрсаткичларини келгусида башоратлаш масалаларини илмий тадқиқ этишини ўз олдиларига мақсад қилиб қўймаганлар.

Ҳозиргача мамлакатимиз солиқ тизимини яхлит иқтисодий-статистик таҳлил қилишга багишланган илмий асарлар деярли шу пайтта қадар иккичасак муоббага оулмайди. Шундан келиб чиқсан ҳолда айтишимиз мумкинки, солиқ тизимидағи муаммоларни таҳлиллари етарли даражада ўрганилмаганлиги ва очиб берилмаганлиги амалиётда баъзи бир қийинчилликларни келтириб чиқараётганлиги мавзунинг долзарбилигини ифодалайди.

Ушбу монографияда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ тизимини муваффақиятли амал қилишида мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, давлат ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш ҳамда иқтисодиётда уларни раббатлантирувчилик ролини ошириш билан бирга солиқ юкини камайтиришнинг асосий йўналишларини белгилаб бериш ҳамда белгилangan солиқ турлари бўйича бюджетта солиқ тушумлари ҳажмини ошириш масалалари илмий ўрганилган, жумладан:

➤ солиқлар ва солиқса тортиш түгрисидаги иқтисодий адабиётлардаги фикрлар ўрганилди, мавжуд солиқ түгрисидаги таърифларни танқидий таҳлил қилиш асосида солиқларга доир янги ёндошув асосида таъриф берилган;

➤ мамлакатда солиқ статистикасини ташкил этишда ахборот манбаларини такомиллаштиришга доир илмий асосланган фикрлар берилган;

➤ солиқ тизимида иқтисодий-статистик таҳлил усууларини күллаш услубияти күрсатыб ўтилган;

➤ солиқ түшумларини таҳлил қилишнинг асосий йўналишлари кўрсатилган ва мамлакат иқтисодиётидаги солиқ юки баҳолангандан;

➤ солиқ тўловчилар ўртасидаги (хуқуқий ва жисмоний шахслар) нотекис тақсимланган солиқ юки аниқланган ва илмий асосданган;

➤ солиқ түшумлари ва унга таъсир этувчи омиллар аниқланиб комплекс тарзда таҳлил қилинган ҳамда солиқ тизимини такомиллаштиришга доир илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

1-боб. СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚ СТАТИСТИКАСИНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Солиқларнинг иқтисодий мөҳияти, функциялари ва умумий тамоғиллари

Бозор муносабатларига асоланган давлатларда солиқ тизими алоҳида ўрин тутади ва улар ҳар доим иқтисодчи олимларнинг дикқат марказида туради. Чунки, солиқлар ҳар доим давлат ва фуқаролар учун зарур бўлган ва иқтисодиётнинг асосини ташкил қилган. Давлат лайдо бўлиши билан солиқлар жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг зарурий талабларидан бири бўлиб қолган. Айниқса, бу бозор иқтисодиётига асосланган давлатларда жуда зарур бўлиб иқтисодиётни бошқаришда асосий унсур бўлиб қолади. Бу борада мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарида тўхталиб, «Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади»² деб таъкидлаб ўттанлар. Ҳақиқатдан ҳам бозор муносабатларига асосланган мамлакатларда давлат иқтисодиётни фақатгина солиқ орқали бошқаради ва солиқ тизимига суннади.

Солиқ ва солиқда тортиш масаласига Соҳибқирон Амир Темур ҳам жуда катта эътибор қараттган ва давлатни идора қилиши тизимини вужудга келтиришда солиқларга таянган. Ўша давр давлат молиясининг бу тизими энг муҳим унсурларидан бири эканлиги, у давлатни бошқаришнинг барча жиҳатларига узвий боғланганлиги билан тубдан фарқ қилган. Айнан шу хусусиятига кўра бошқарувнинг барча таркибий қисмлари орасида марказий ўринни эгаллаган.

² Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т., Ўзбекистон, 1998, 358 – бет.

«Темур тузуклари»даги, «давлату салтанат уч нарса билан: мулк, хазина ва лашкар билан тиқдир. Доно вазир буларнинг уччаласини яхши ажволда, саранжом тутади»³ деган сўзлар фикримизнинг ёрқин далилидир. Амир Темур хазинасининг тўлдирилиши ҳар доим ҳам солиқ тўловлари билан боғлиқ бўлмаган, чунки хазинанинг бир қисми қўлга киритилган молу бойлиқдан ташкил топган бўлиб, у аҳоли манфаатларига сафарбар этилмаган ва ҳукмдорнинг таянчи бўлиб хизмат қилган. Аммо Темур олдинги ўринда хазинанинг солиқсиз даромадлар қисмини эмас, балки иккинчи қисми – солиқ ва йигимларни қўйган. Чунки, Соҳибқирон аҳоли манфаатлари ва мамлакатни бошқаришда солиқларнинг роли хусусида чуқур мулоҳаза юритган, уларнинг демократик тамоилиларини ривожлантиришга ҳаракат қилган.

Солиқларнинг иқтисодий моҳиятини тадқиқ этишининг аҳамиятини 20 – асрнинг бошларида рус олими В.Твердохлебов ифодалаб, «солиқлар барча давлатларнинг бюджетларида ҳуқмрон мавқеини эталлаган вақтдан буён солиқлар тўғрисидаги таълимот молия фанининг марказий бўлими бўлиб қолди»⁴ – деб ёзган эди. У «Финансовые очерки» асарида Англиядаги классик иқтисодиёт солиқларига катта эътибор берган ҳолда солиқларни, асосан, иқтисодий нуқтаи назардан қараб, ҳар бир солиқнинг халқ даромадини айирбошлиш, ишлаб чиқариш ва тақсимлашга таъсирини ўрганиш орқали уларга таъриф беришга уринган. Бундай уринишларнинг дастлабки босқичларида солиқлар назариясини яратди, ва у, ваqt ўтиши билан молия фанининг таркибий қисми сифатида ривожлантирилди.

³ Темур тузуклари. – Т., Ф.Улом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 96 – бет.

⁴ Твердохлебов В. Финансовые очерки. Вып. I. – Петроград: 1916. стр - 39.

Маълумки, солиқлар тўғрисидаги анча кенгроқ қарашлар икки аср чегарасида шаклана бошлади ва капиталистик тузумнинг ривожланишидаги ўзгаришларни ўзида акс эттириди.

Рус олими А.Соколов солиқларнинг моҳиятига таъриф бериб, солиқлар бевосита хазина вазифасини бажариш билан бир қаторда, «иқтисодий сиёсатнинг бирон-бир вазифасига эришиш»⁵ учун восита бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин, деб таъкидаган эди. Бу хулоса янги иқтисодий сиёсат даврида чиқарилган бўлиб, жамиятни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ўзгартиришда солиқлардан иложи борича ва зарур даражада фойдаланиши вазиятини акс эттирган эди.

Солиқлар ва солик тизими асосида тарихнинг гувоҳлик беришича, улар ёрдамида фақаттина иқтисодий вазифалар эмас, балки сиёсий вазифалар ҳам бажарилган. Лекин турли даврларда солиқлардан фойдаланишда ҳам ижобий, ҳам салбий натижаларга эришилган.

Солиқлардан иқтисодиётни тартибга солиш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш воситаси сифатида фойдаланиш ҳақидаги фикр инглиз иқтисодиниси Д.Кейнсга тегишилдири⁶. У давлатнинг аралашуви вазифасини мустақил ўзгарувчи омилларга, улар воситасида эса иш билан бандик ва миллий даромадга таъсир кўрсатишдан иборат деб билган. Бунда ҳал қилювчи шарт сифатида пул-кредит ва бюджет-солик сиёсати воситасида инвестицияларни рағбатлантириш намоён бўлади.

Юқорида номлари тилга олинган олимларнинг аксарияти солиқларнинг «моҳиятини» кўрсатиш ўрнига «аҳамиятини» ёки уларнинг тараққиётда тутган «ўрнини» изоҳлаб ўтишга ҳаракат қилишган. Бу эса солиқлардан омил сифатида фойдаланишини

⁵ Соколов А. Теория налогов. – М.: ООО «ЮрИнфоР-Пресс», 2003. стр - 77.

⁶ Кейнс Д. Общая теория занятости, процента и денег. – М., Гелиос АРВ, 1999. стр - 352.

кучайтирган. Натижада солиқ оғирлигининг аксарият қисми аҳоли зиммасига тушган.

Биз шу ўринда турли олимлар ва иқтисодчилар томонидан солиқларга берилган таърифларни келтириш ўринли, деб ўйлаймиз.

«Солиқлар – ҳокимият ихтиёрига келиб тушадиган ер маҳсулоти ва мамлакат меҳнатининг бир қисмини ташкил этади ва охир оқибатда улар капитал ҳисобидан ёки мамлакат даромади ҳисобидан тўланади»⁷ деб ёзган эди Д.Рикардо.

Ҳозирти пайтда иқтисодий адабиётларда солиқларни иқтисодий моҳиятини ўрганишига багишланган қатор илмий мақола ва қўлланмалар чоп этилмоқда. Масалан, «Сиёсий иқтисод» изоҳди лугатида солиқлар «..корхона, ташкилот ва аҳолини, мамлакат молиявий ресурсларини ташкил этишдаги иштирокининг характерловчи мажбурий тўловлар тизими»⁸ – деб изоҳ берилади.

Россиялик иқтисодчи олим, профессор Д.Г.Черникнинг фикрича «Солиқлар – давлат томонидан хўжалик субъектлари ва фуқаролардан қонуний тартибда ўрнатилган ставкаларда ундириб олинадиган мажбурий йигимларни ўзида акс эттиради»⁹.

Профессор Б.Г.Бољдырев болчилигидан ёзилган «Капитализм молияси» ўқув қўлланмасида эса солиқларга қуйидагича таъриф берилган: «Солиқлар – давлат томонидан ундириб олинадиган, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг мажбурий тўловлари»¹⁰.

Юқорида келтирилган таърифлар албатта тўғри ва кенг омма учун тушунарли таърифаар. Лекин, бу таърифлар ўзида

⁷ Рикардо Д. Сочинения т. I. Начало политической экономики и налогового обложения. Пер. с англ. – М., «Госполитиздат», стр - 360.

⁸ Политическая экономия. Толковый словарь. М., «Политиздат», 1990. стр - 330.

⁹ Черник Д.Г. Налоги в рыночной экономике. «Финансы», 1992, №3; стр - 19.

¹⁰ Болдырев Б. Финансы капитализма. «Финансы», М., 1987. стр - 21.

солиқларнинг ташкилий-ҳуқуқий томонларини тұлық үзіда акс эттиirmайди. Яна бир томони, солиқлар нима мақсадда ундириб олинади деган саволга ҳам тұлық жавоб берса олмайди.

Олим ва мутахассис Ш.Гатаулұн үзининг «Солиқлар ва солиққа тортыш» асарыда солиқларнинг әнд сода таърифи мана бундай деб күрсатади: «Солиқлар – бу давлат сарф-харажаттарининг асосий манбай бўлиб, иқтисодиётни тартибиға солувчи ва даромадларни барқарорлаштирувчи воситадир»¹¹.

Бу таърифда солиқларни нима мақсадда йиғиб олиниши ва давлат ундан нималарга фойдаланиши күрсатилган, лекин солиқларнинг ҳуқуқий ва мажбурийлик томони акс эттирилмаган.

Мамлакатимизнинг айрим иқтисодчилари солиқларни миллий даромадни тақсимлаш воситаси сифатида ифодалаша ҳаракат қылганлар: «Солиқлар – миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат иختиёрига олиш шаклидир»¹².

Профессор О.О.Олимжоновнинг фикрига күра солиқлар қуйидагича таърифланса, солиқнинг моҳияти кенгроқ очилади: «Солиқлар – давлат ва жамияттнинг пул маблагларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳажмда ва ўрнатилган муддатда жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан давлат ихтиёрига мажбурий равищда ундириб олинадиган тұловлардир»¹³. Бизнингчача солиқларга берилган мана шу таъриф уларнинг моҳиятини кенгроқ очиб беради. Лекин, бу таърифда солиқнинг қанақа тұловлиги аниқ күрсатилмаган. Яъни,

¹¹ Гатаулұн Ш. Солиқлар ва солиқда тортыш. – Т., 1996. 18 – бет.

¹² Үлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. – Т., «Мехнат», 1995 й. 377 – бет.

¹³ Олимжонов О. Бозор иқтисодиётіга ўтиң даврида солиқ сиесати. «Хаёт ва иқтисод», 1992

и.

пул түловими ёки натура шаклидаги түловми аниқ ифодаланмаган.

Фикримизча, солиқларга мана бундай таъриф берилса, уларнинг иқтисодий можияти янада кенгроқ ёритилиб, мақсадга мувофиқ бўлар эди: «Солиқлар – давлат бюджетига тушадиган, қонун билан белгиланган, мажбурий характердаги, ҳукуқий ва жисмоний шахслардан белгилаган ҳажмда ва тартибда олинадиган пул тўловлариридир». Бу таърифнинг бошқа таърифлардан ажралиб турадиган асосий томони шундаки, биз бу ерда уларни пул тўловлари деб таъриф бердик. Ҳақиқатдан ҳам, бюджетта фақаттина пул тўловлари тушиши мумкин, молмулк ёки маълум бир қийматдаги буюмлар эмас.

Солиқ тизимининг оптимальлiği, аввало, уни ташкил этадиган ва бошқарадиган давлат тузилмаларига боғлиқ. Солиқ давлатнинг ўз мақсад ва вазифаларини бажариш учун фойдаланадиган қуролдир, демак, солиқнинг можияти ва вазифаларини аниқлашда давлат фаолиятидаң келиб чиқиш лозимдир.

Солиқлар фискал сиёсатнинг бир қисми сифатида намоён бўлишини К.Макконелл ва С.Брю иқтисодиётдаги барқарорликни таъминлашда ҳал этиладиган вазифалардан келиб чиқиб, фискал сиёсатни тўсқинлик қилювчи ёки рагбатлантирувчи сиёсат эканлигини исботлашга ҳаракат қилишган. Улар ўзларининг «Экономикс» асарида «Фискал сиёсатнинг асосий мақсади, – ишсизлик ва инфляцияни тутатишдан иборатдир. Инқироз даврида фискал сиёсатнинг рагбатлантирувчиллик роли тўғрисидаги масала пайдо бўлади. У қуидагиларни ўз ичига олади: давлат харажатларини кўпайиши, ёки солиқларнинг камайиши ёхуд иккаласининг ҳам бирга қўшиб олиб бориш. Ёки

аксинча, агарда иқтисодиётда ортиқча талаб түфайли инфляция содир бўлса, бунга тўсқинлик қилувчи фискал сиёсат мос келади. Тўсқинлик қилувчи фискал сиёсат ўз ичига қўйидагиларни олади: давлат харажатларини камайиши, ёки солиқларнинг кўпайиши, ёхуд иккаласини ҳам бирга қўшиб олиб борилиши¹⁴. Бу фикрларда иқтисодий ривожланиш мақсадларининг ўзгарувчанлиги ва шунга мос равишда солиқ сиёсатининг ўйналишларини ўзгаририлиши тўғрисидаги хуносаларни учратиш мумкин.

Бу хилдаги фикрларнинг мавжудлиги солиқларни иқтисодий можиятини чеклаб қўяди. Солиқлар можиятини асослашда принципиал «ендашмоқ» керак ва оу борада И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарида «аввало солиқ тизими ўзига хос вазифани – фискал (хазинани тўлдириши), қайта тақсимлаш варагбатлантириш вазифасини тўла даражада бажариш керак»¹⁵ – деб алоҳида таъқидлаб ўтилиши дикката молиқдир. Солиқларга берилган бундай таъриф, солиқнинг можиятини очиб беришда унинг вазифаларидан келиб чиқмоқ зарурлигини кўрсатади. Солиқлар давлат бюджетини тўлдиришини муҳим унсурларидан бўлиб, бюджет даромад қисмини энг муҳим вазифаларини ҳал этиш учун зарур миқдорда маблағ билан таъминлаш лозим. Шунингдек, солиқлар ялши ички маҳсулотни бир қисмини қайта тақсимлайди ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлашда бевосита иштирок этади.

Иқтисодчи олимлар А.Ишмуҳаммедов, Л.Каланова ва М.Рахимовалар ўзларининг «Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши» асарларида солиқлар учта

¹⁴ Макконнел К., Брю С. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 т.; Пер. с англ. 11-го изд., Т.1. – М., Республика. 1992. – стр - 249.

¹⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т., Ўзбекистон, 1998. 358 – бет.

вазифани «а) солиқ түловчилар билан давлат ўртасида даромадларни тақсимлаш; б) иктисодий ва ижтимоий соҳадаги фаолиятни чеклаб қўйиш; в) аҳолининг муайян табақаларига ижтимоий имтиёзлар бериш»¹⁶ — вазифасини бажаради дейишган.

Фикримизча, солиқ тизимининг энг муҳим вазифаси, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, табиий ва молиявий ресурслардан, мол-мулклардан самарали фойдаланишга рагбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир. Аммо солиқларнинг моҳияти ва функциялари тўғрисида ягона фикр йўқлиги бу борада идмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Қ. Яҳеев ўзининг «Солиқка тортиш назарияси ва амалиёти» дарслигидаги солиқ функциялари тўғрисида фикр юритиб, «солиқларнинг функциялари уларнинг моҳиятини, амалиётда ҳаракат қилаётгандигини кўрсатади. Шундай экан, функция доимо яшаб солиқ моҳиятини кўрсатиб туриши зарур»¹⁷ — дейди. Бизният фикримизча, функция солиқ моҳиятини ўзида акс этириши лозим. Чунки, бугун пайдо бўлиб эртага йўқ, бўлиб кетадиган функциялар солиқ моҳиятини ўзида тўлиқ акс эттирамайди. Шунингдек, солиқ функциялари доимий, қатъий тақрорланиб турадиган бўлиши ва ушбу услубий ёндошишдан келиб чиқиб, солиқлар функциясини аниқлаш лозим.

Солиқнинг фискал функцияси орқали солиқка тортишнинг асосий вазифаси, яъни давлат молиявий маблағларининг шаклланиши, шунингдек давлатнинг умумдавлат ва мақсадли вазифаларини амалга ошириш учун маблағларни жамғариш ишларини амалга оширади.

¹⁶ Ишмуҳаммедов А., Каланова Л., Раҳимова М. Бозор муносабатлари шароитида миллий иктисодиётнинг ривожланиши. — Т., Ўқитувчи. 1996. 158 — бет.

¹⁷ Яҳеев Қ. Солиқка тортиш назарияси ва амалиёти. — Т., Фан ва технологиялар нашриёти, 2003, 14 — бет.

Солиқнинг қайта тақсимлаш-функцияси орқали давлат ўз тасарруфида ишлаб чиқарилган ЯИМнинг бир қисмини солиқса тортиш йўли билан қайта тақсимлайди.

Солиқларнинг фискал функцияси ва тақсимлаш функциялари уйғунлашади, десак хото қилмаймиз. Солиқлар тўғрисидаги дарслекларда қайд этидишича, қорхоналарнинг қўшилган қиймати ёки даромадлари аввал тақсимланади, сўнгра бюджетта тўланади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, аввал ишлаб чиқарувчилар манфаатлари таъминланади ва кейин даромадларнинг бир қисми бюджетта солиқ сифатида ўтказилади¹⁸. Бундан ташқари, солиқларнинг тақсимловчилик функцияси ахолининг турли катламлари ўртасида умумий даромадларнинг қайта тақсимлашини таъминланиси нуқтаи назаридан ижтимоий функцияни ҳам бажаради, деган қарашлар ҳам мавжуд. Солиқ тизими орқали: «„алоҳида ижтимоий гуруҳлар ўртасида тенгсизликни камайтириш мақсадида уларнинг даромадлари бўйича ўзаро муносабатларни ўзгартириш йўли билан ижтимоий мувозанатни қўллаб-қувватлашга эришилади..»¹⁹. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, солиқ юкини имконияти юқори бўлган солиқ тўловчиларга кўпроқ тушиши ҳисобидан фуқароларнинг ижтимоий ёрдамга мухтоҷ қисми фойдасига маблағлар олинини кузатиласди.

Солиқларнинг энг асосий функцияларини беш гуруҳга бўлиш мумкин, яъни:

- фискал функция;
- тақсимлаш функцияси;
- рағбатлантирувчи функция;

¹⁸ Яхёев Қ. Солиқса тортиш назарияси ва амалиёти. – Т., Фан ва технологиялар нашириёти, 2003, 15 – бет.

¹⁹ Булатов А. Экономика. – М., Бек. 1994. стр - 309.

- тартибга солувчи функция;
- назорат қилувчи функция;

Баъзи иқтисодий адабиётларда солиқларни ахборот билан таъминлаш функциясига ҳам изоҳ берилади. Аммо, биз юқорида таъкидлаганимиздек, функция доимо тақрорланиб туриши лозим. Иқтисодчи олимларимиз «...ахборот билан таъминлаш функцияси ҳам муҳим аҳамият касб этиб, бу функция орқали харажатлар ҳажми ва конкрет солиқли тушумлар давлатнинг қандай ижтимоий-иқтисодий функцияларни бажаришга сарфланганлити тўғрисида ахборот бериб турилиши лозим»²⁰ – деб кўрсатиштан. Бу фикр солиқ функциясини ифодалай олмайди, бу фақаттина солиқларни вақтинча бажариб турадиган вазифасини функция даражасига кўтариш учун қилинган ҳаракат ҳисобланади.

Солиқларнинг асосий функцияси – фискал функция ҳисобланиб, (лотинча «fiscus» – сўзидан олинган бўлиб, хазина деган маънони англатади), бу функцияning моҳияти шундаки, солиқлар ёрдамида давлатнинг молия ресурслари ҳосил қилинади ҳамда давлат фаёлият кўреатинни учун маддий шароит яратилади.

Фискал функцияни амалга оширилишига аниқ бир мисол бу акциз солиғидир. У, алоҳида турдаги товарларга, одатда жуда қиммат турадиган товарларга ва аҳолининг бой табакаси ўзига раво кўрадиган товарларга ўрнатилади. Шунингдек, солиқка тортишнинг прогрессив усули ҳам бунга мисол бўла олади.

Солиқларнинг тақсимлаш функцияси ҳам иқтисодиётда муҳимдир. Масалан, давлат ҳудудларининг иқтисодий ривожланишида ҳам бу функция катта роль ўйнайди. Бугунги кунда республикамизда ҳудудларнинг иқтисодий потенциали ва ривожланиш даражаси турличадир. Ҳудудларни тенглаштириш

²⁰ Жўраев А. ва бошқ. Солиқ назарияси. – Т., 2004 й. 74 – бет.

мақсадида солиқларнинг тақсимот функциясидан фойдаланилади: кам ривожланган ҳудудларда солиқ тушумлари ушбу ҳудудлар ҳисобида қолади (масалан, Қорақалпоғистон Республикаси, Ҳоразм вилояті), үз навбатида уларга нисбатан ривожланган ҳудудлар сифатида айрим вилоятларда солиқ тушумларининг фақаттана маълум қисмитина қолдирилади (Тошкент шаҳри ва вилояті, Қашқадарё, Бухоро, Андижон ва Навоий вилоятлари).

Бозор муносабатларининг ривожланиши ва шаклланиши шароитида солиқларнинг муҳим функцияларидан бири иқтисодиётни тартибга солиш ҳисобланади, яғни давлат солиқлар орқали товарлар, хизматларни ишлаб чиқариш ва сотишни тартибга солади.

Рағбатлантириш функцияси солиқ тизимининг муҳим функцияларидан ҳисобланади. Профессор Т.Маликов «Солиқлар ва йигимлар тизими ижтимоий ишлаб чиқаришга, унинг таркибий тузилишига ва динамикасига, жойлашишига, илмий – техника тараққиётини жадаллаштиришга иқтисодий таъсир кўрсатувчи механизм бўлиб хизмат қиласи. Солиқлар ёрдамида тадбиркорлар фаолигини рағбатлантириш ёки аксинча, чеклаб қўйиш ва демак, тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу тармоғи ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкин»²¹ – деб кўрсатиб ўтган. Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва жаҳон бозорида миллий корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш учун шарт – шароит яратишда ҳам солиқларнинг рағбатлантириш функцияси муҳим рол ўйнайди. Деярли барча мамлакатлarda ишлаб чиқаришни тараққий эттириш ва замонавийлаштириш учун маълум ҳудудларда инвестицияни рағбатлантириш сиёсати солиқлар орқали амалга оширилади. 80 – йилларнинг иккинчи

²¹ Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т., Академия науки и техники. 2002. 53 – бет.

ярмiga келиб күнлаб мамлакатларда янги юқори технологияли ишлаб чиқарышни рағбатлантириш усуулини қўллаш кенг тарқалди.

Бундан ташкари солиқлар ижтимоий-иктисодий вазиятларга қараб, маълум бир функцияларни ҳам бажаришлари мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки; юқорида кўриб ўтилган функциялар солиқлар тизимини ва солиқ солиш тамойилларини шакллантириш орқали бажарилади.

Солиқ солиш тамойиллари ҳақидаги мулоҳазалар дастлаб «Темур тузуклари»да баён қилинган. Масалан, у 18-асрда яшаган инглиз иктиносидини А. Смитнинг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот» (1776 йил) асарида илгари сурилган тамойилларни 3-4 аср олдин айтгиб ўтган.

А. Смитнинг машҳур тўртта қоидаси аллақачон солиқка тортиш амалиётида муносиб ўрин олган ва бозор иктиносидёти шаклланган мамлакатларда солиқ тизимларини ташкил этиш тамойилларига айланди. Гарчи, бу тамойилларни А. Смит жорий этган бўлса да, уларни ўз асарида аниқ таърифланган эмас.

А. Смит ғоялари кўптина солиқ тизимларига асос бўлди, амалиётда синаб кўрилди ҳамда муваффақиятли ўтди. Шу сабабли улар солиқса тортининг тўртта асосий тамойили тарзида таърифланади. Улар қўйидагилар:

➤ адолат тамойили;

➤ аниқлик тамойили;

➤ қулагийлик тамойили;

➤ тежкамлилик тамойили;

Хозирги шароитта асосланган ҳолда, солиқса тортиш самарали тизимининг қўйидаги тамойилларини таърифлаб ўтишимиз мумкин:

1. Етарлилик тамойили. Мазкур тамойилга мувофиқ солиқса тортиш даражасы шундай бўлиши лозимки, у давлат интилаётган жалқ хўжалиги самарадорлигига эришинни кафолатлай олсин. Солиқса тортиш тизими иктисадиёт, ижтимоий ҳимоя, мудофаа қобицияти ва соҳалардаги давлат сиёсатини амалга ошириш учун зарур бўлган молия ресурслари тўланишини таъминласин.

2. Солиқса тортишнинг адолатлилик тамойили. Адолат тамойилларига мувофиқ, солиқлар жамият томонидан оқилона ва адолатли деб тан олинган умумий объектив қоидаларга биноан белгиланиши лозим.

3. Оддийлик тамойили. Бу тамойил солиқка тортиш базасини аниқлашда, солиқларни ҳисоблаб чиқицда оддийлик бўлишини, тақдим этиладигањ ҳисоботларнинг мазмунини соддалаштиришни, шунингдек, солиқларнинг энг муҳим турлари бўйича ягона ставкалар белгилашни, бериладиган имтиёзларни иложи борича камайтиришни кўзда тутади.

4. Тадбиркорлик ва инвестицияларни рағбатлантириш тамойили. Солиқ тизими хўжалик юритувчи субъектларни, жумладан, чет эл субъектларини, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий технологиялар сотиб олиш учун маблаг йўналтиришни, яъни капитал жамғариш ва шу йўл билан технологияларни такомиллаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириши лозим.

5. Бошқаришга қурайлик тамойили. Самарали солиқ тизимига қўйиладиган муҳим талаблардан бири бошқарувга қурай бўлишидир. Солиқларни ундириб олишида самарадорликка эришиш кўп ҳолларда солиқларни солиқ тўловчиларга яхши тушунарли бўлишини таъминлашга боғлиқ.

6. Солиқларни йигиш жараёнини арzonлаштириш. Мазкур тамойил давлат ва солиқ тұловчилар томонидан солиқларни йигиш учун кетадиган харажатларни мүмкін қадар камайтишиның күзде турады.

Солиққа тортиш тамойиллари ва солиқ қонунчилігінің тамойиллары муайян үхшашликка эта ва уларнинг түлиқ ҳаётта татбиқ этиш иқтисодиётни ривожлантиришнинг мухим вазифаларидан бириди²².

Солиққа тортиш тамойиллари тұғрисидаги ёndoшишлар турличадыр. А.Смит томонидан ишлаб чиқылған солиққа тортищнинг тамойиллари, мамлакатимиз солиқ кодексіда эса солиқ қонунчилігінің тамойиллари ва бошқа иқтисодий адабиётларда ҳам турлича солиққа тортиш тамойиллары мавжудлігі зытироф этилган.

Шундай қилиб, солиқларнинг иқтисодий мөхияти, функциялары ва тамойилларини мөхияттіні ечишда биз янгича назарий усуллардан фойдаланиш орқали хулосалар чиқаришга мұваффак бўлдик.

²² Яхъев Қ. Солиққа тортиш нәзарияси ва амалиєти. –Т., Гафур Гулом. 2000, 23 –бет.

1.2. Солиқларнинг объектив зарурлиги ва уларни миллый иқтисодиётда тутган ўрни

Ҳар қандай давлатнинг молиявий тизимида марказий ўринни давлат бюджети эгаллайди, у ҳукумат томонидан ўз фаолиятини молиялаштириш учун энг йирик пул фонди ҳисобланади. Бюджетни ўз вактида түрги ва аниқ шакллантириш давлатнинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Давлат бюджетини ташкил этишида ва шакллантиришда молиявий манбалар сифатида қуидагилар киради:

- солиқлар
- давлат заёмлари
- пулэмиссияси

Бу манбалар ичда солиқлар бюджетни шакллантиришнинг энт оптимал усули ҳисобланади. Қолган икки манбадан фойдаланиш давлатнинг иқтисодий ночорлигидан далолат беради.

Тарихан солиқлар, давлатни сақлаб туриш учун зарур бўлган мажбурий тўловлар сифатида, давлат пайдо бўлиши билан вужудга келган. Солиқлар давлат фаолият кўрсатишнинг моддий асосини ташкил этади ва иқтисодий муносабатларда асосий ўринни эгаллайди.

Хозирги вактда солиқлар воситасида давлат даромадларининг асосий қисмини шакллантиради. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини тартибга солишнинг билосита қуроли ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат ўзининг ички ва ташки вазифаларини, ҳар хил ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларнинг асосий қисмини солиқлар орқали тўплайди. Жумладан, солиқлар республика ва маҳаллий бюджетлар

даромадларини шакллантиради, давлат ижтимоий дастурлари учун молиявий асос яратади, солик тўловчи шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошқаради, уларнинг табиий ресурслардан унумли фойдаланишига бўлган интилишини рағбатлантиради, нархни белгилашга таъсир кўрсатади, аҳолининг турмуш даражасини тартибга солиб туради. Имтиёзлар ёрдамида аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этади.

А.Ваҳобов ва З.Срожиддиновалар ўзларининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети» ўкув қўлланмасида солиқларнинг бюджет муносабатларига таъсир кўрсатувчи муҳим омил деб қараб, — «Солиқлар ривожланган товар ишлаб чиқаришнинг муҳим категорияси бўлиб, у янада кенгроқ категория — давлат бюджети билан чамбарчас боғланган. Чунки солиқлар бюджетнинг шакллананишида иштирок этади»²³, деб таъкидлаб ўтишган.

Солиқлар молиявий ресурсларни давлат иктиёрида тўпланиб боришини таъминлайди ва бу ресурслар иктиносидий ривожланишининг умумдавлат минтақавий вазифаларни ҳал қилиш, ишнинг самарадорлиги ва сифатини рағбатлантириш, ижтимоий адолат тамоилларидан келиб чиқиб даромадларни тартибга солиш учун фойдаланилади.

Л.Б.Хван ўзининг «Солиқ ҳуқуқи» китобида солиқларнинг давлат учун объектив зарурлигини таъкидлаб, шундай дейди, — «Давлат солиқларни давлат бюджетини шакллантириш учун амалга киритади. Солиқлар аниқ харажатларни қоплаш мақсадига эга эмас, бу айрим турдаги даромадлардан тушадиган тушумлардан амалга ошириладиган харажатлар уларга боғлиқ

²³ Ваҳобов А., Срожиддинова З. «Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети». ТМИ, 2002, 36 – бет.

бўлиб қолишини олдини олиш зарурияти билан асосланган. Бироқ айрим ҳолларда умумий соликлар билан бирга мақсадди соликлар ҳам белгиланади, уларни амалга киритилиши иқтисодий фаолиятда ижобий роль ўйнаши мумкин».²⁴

Бизнингча, соликларни объектив зарурлигини исботлашда уларнинг давлат учун зарурлиги ва қандай вазифаларни бажаришидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Давлат учун соликлар биринчидан маблагъ ийғиб беради, яъни бюджет харажатларини молиялаштиради. Иккинчидан, иқтисодиётни бошқариб туради, яъни кам таъминланган маҳаллий бюджетларни давлат бюджети маблаглари билан тақсимлайди. ~~Бюджетлар ўртасида маблаглар кайта тақсимланади. Унингдан ишлаб чиқаришни рағбатлантириш орқали унинг ҳажмини кўпайтириш вазифасини бажаради. Яъни, имтиёзлар орқали ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиради. Куйида ушбу вазифаларни бажарилишини кетма-кет кўриб чиқамиз.~~

Биринчи вазифа, бюджет тизимини шаклланитиришда ва давлатнинг бир қатор вазифаларини амалга оширишда соликлар молиявий ресурслар сифатида бозор муносабатларига асосланган давлатларда етакчи ўринни эгаллайди. Бу ривожланган давлатларда давлат бюджети даромадларининг 80 – 90 фоизгача, АҚШда эса 95 фоиздан ортиқ қисмини ташкил этади²⁵. Масалан, солик тушумлари давлат бюджети даромадларидағи саломғи Буёк Британияда – 97%, Францияда – 91%. Иқтисодий ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилотига аъзо 24 давлатда 78% (Норвегия)дан 97,8% (Италия)гача тебраниб туради²⁶. МДҲ давлатларида солик тушумларининг бюджет даромадларидағи

²⁴ Хван А.Б. Солик ҳуқуқи. Т., «Консайдитинфорт», 2001. 26 – бет.

²⁵ Дробозиной Л.А. Финансы. М., «ОНТИИ», 2002. стр - 158.

²⁶ Government Financial Statistics. IMF, 2001-2003.

улуси кўрсаткичи Россияда — 82,7%, Украинада — 82,2%, Қозогистонда — 97%, Белорус Республикасида 97,3% ни ташкил этади²⁷. Ўзбекистон Республикасида солиқлар давлат бюджетини 90 фоизидан ортигини шаклантиримоқда. Қуийдаги жадвалда давлат бюджетининг 2002 – 2005 йиллардаги харажатларини кўриб ўтамиз.

1 – жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 – 2005 йиллардаги харажатлари²⁸

Харажатларниң турлари	2003 йил		2004 йил		2005 йил (проц.)	
	млн.сўм.	%	млн.сўм.	%	млн.сўм.	%
I. Максадли фонdlарсиз харажатлар	2492506,9	76,2	2743230,0	73,7	3464107	70,0
1. Ижтимоий маданий тадбирларга харажатлар	953649,8	38,3	1305416,5	37,6	1738908,7	35,6
2. Иктисадиёт харажатлари	289157,3	11,6	367022,5	13,4	459254,6	9,4
3. Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаптириш харажатлари	313000,0	12,6	300000,0	10,9	345000	7,0
4. Давлат ҳокимияти органларини бошқарин ва суд органлари харажатлари	43557,0	1,7	54015,0	2,0	73064,2	1,5
5. Фуҳароётларниң ўз – ўзини бошқарин органлари харажатлари	12750,0	0,5	15917,8	0,6	22021,5	0,5
6. Вазирлар Махкамасининг захира фонди	33900,0	1,4	41300,0	1,5	17900	0,4
7. Бошқа харажатлар	650984,4	10,1	659557,7	7,7	807958,1	15,6
II. Максадли фонdlар харажатлари	778328,1	23,8	930386,6	26,3	146000	26,9
III. Молия вазирлиги ҳузуридаги мақтаб таълимими ривожлантириш бюджетдан ташқари фонди харажатлари	—	—	—	—	146007	3,1
Σ Жами харажатлар	3270835,0	100,0	3070016,7	100,0	4884115,2	100,0


Жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, харажатларниң асосий қисми ижтимоий маданий соҳаларга ажратилмоқда. Аммо охирги йилларда харажатларниң бу қисми

²⁷ Статистический сборник Содружества Независимых Государств. – М., 2003.

²⁸ www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

камайганини күришими мүмкін. 2003 йилға қараганда 2005 йилда мақсадды фонддар харажатлари (1 – иловә) ва бішқа харажатлар үсіш суръаттага зға бұлганини күришими мүмкін. Бундан ташқары 2005 йилда давлат бюджети харажатларидан мактаб таълимиттің ривожлантириш дастурын бүйічә олиб бориладиган харажатлар 3,1 фоизні ташкил этмоқда.

Солиқлар юқоридаги харажатларни қоплашда бевосита иштирок этади ва уларни молиявий ресурслар билан таъминлайды. Бу ерда давлат бирорта юридик шахс амалға ошира олмайдиган вазифаларни бажаради. Яғни, мұдофәа, миллий хавфсизлик, умумий таълим, фан ва маданият ишларини комитетке разында мемлекеттік сұйықсаралған этади. Бундан ташқары кам таъминланган оиласарга, иқтисодиётта харажатлар ва марказлаштан инвестицияларни ҳам бюджет ҳисобидан амалга оширади.



1 – диаграмма. Давлат бюджети харажатларининг үсіш суръати

Бизнинг фикримизча, бу ерда бирорта ҳам вазифа йўқки, уни кечиктириш мүмкін бўлса ёки кейинроққа суриб қўйилса.

Солиқларнинг иккінчи вазифаси бу давлат бюджети билан маҳаллий бюджетлар ўртасидаги маблагларни тақсимлайди ва шу

йўл билан ҳамлакат ҳудудий иқтисодиётини ҳам бошқариб туради. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида 20 дан ортиқ солиқ ва йигимлар мавжуд бўлиб, асосий улуш умумдавлат (республика) солиқларига тўғри келади. Умумдавлат республика солиқларидан маҳаллий бюджетлар учун ажратмалар миқдори белгиланади. Албатта, ажратмалар меъёри ва ажратмалар белгилаш масалалари билан ҳукумат шуғулланади ва иқтисодий усуллар ёрдамида амалга оширилади. Солиқларни бюджет бўғинлари ўртасида тақсимланиши солиқларнинг тақсимлаш функциясини бажаради.

Солиқларни бюджетлар ўртасида тақсимлашнинг икки хил усули мавжуд:

➤ очик усули

➤ ёпик усули

Солиқларнинг бюджетлар ўртасида тақсимлашнинг очик усули солиқларнинг ҳукуматнинг юқори органлари томонидан қайта тақсимланишидир. Ҳудудлараро савдонинг миқдор ва сифат тавсифи, маҳаллий бюджет солиқли тўловларини юритиш орқали юқори бюджеттага тўланадиган солиқлар суммасининг камайиши, солиқларнинг бюджетлараро қайта тақсимланишига асос бўлади.

Ёпик усулида барча йигиладиган солиқлар давлат бошқарув органлари тасарруфида қолади. Бу ҳолатда бюджетта тушумлар:

- ҳудудлардан олинадиган фойданинг ҳажмига;
- резидентлар томонидан олинадиган фойда суммасига;
- ҳудудларнинг истеъмол ҳажми ва тизимига;
- ҳудудда жойлашган мол-мулк миқдорига боғлиқ бўлади.

Солиқларнинг ҳудудий бюджетларга нисбатан бундай тақсимланиши ҳудудларни солиқ йигимлари борасида бир хил

шароитта келтиришга ва ҳудудий бюджетлар солиқ юкларининг тенг тақсимланишига имконият яратади. Бу ҳудудларнинг тенглашиши ва аҳоли даромадларини барқарорлаштириш мақсадида амалга оширилади.

Кўйидаги жадвалда 2000 – 2003 йиллар учун республика ва маҳаллий бюджетларининг давлат бюджетида тутган ўрнини кўриб ўтамиз.

2 – жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларида республика ва маҳаллий бюджетларининг тутган ўрни²⁹

Даромадлар	2001 йил	2002 йил	2003 йил
Давлат бюджети шу жумладан:	1295411,1	1864103	2309000
Республика бюджети (млн.сўм)	720629,2	1034145	1266851,8
Давлат бюджетига нисбатан салмоғи (фоизда)	55,6	55,5	54,9
Маҳаллий бюджетлар (млн.сўм)	549116,7	750387,7	1042147,5
Давлат бюджетига нисбатан салмоғи (фоизда)	42,4	40,3	45,1

Жадвал мазъумотларидан кўриниб турибдики, 2001 йилда маҳаллий бюджетларни давлат бюджети даромадларида салмоғи 42,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2003 йилда 45,1 фоизга етган. 2002 йилда бу кўрсаткич тушиб кетган. Маҳаллий бюджетлар даромадлари ошиши кузатилса-да, барибир улар ўз харажатларини қоплай олмайдилар. Шуни инобатта олиб, ҳар иили республика макроқитисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тасдиқланганда ажратмалар меъёрлари ҳам белгиланади.

Ажратмаларни амалга оширишда ҳудуддан ундирилаётган умумдавлат солиқлари ёки айrim солиқ турлари давлат бюджетига ўtkazilmasdan маҳаллий бюджет ихтиёрига

²⁹ Жўраев А. Солиқларнинг бюджет тизими бўйнлариаро тақсимланиши. «Бозор, пул ва кредит». №11, 2004 й.

қолдирилади. Бу ўз навбатида солиқлардан йигилган маблағларни икки марта айланишини олдини олади.

3 – жадвал

Умумдавлат солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджеттери, вилоятлар маҳаллий бюджетлари ва Тошкент шаҳри бюджетларига ажратмалар меъёри³⁰

Худудлар номи	Күн шайлан киммат содини		Даромад (фотад) содини	Жиҳмоний шахслар даромад содини	Янга содин	Янга эр содини	Ажратмалар		
	Даромад	Фотад					Даромад	Фотад	Жиҳмоний шахслар акционебель акцияларга
Қорақалпоғистон Республикаси	100	100	100	100	85	25	100	100	50
Андижон вилояти	100	100	100	100	70	25	100	100	50
Бухоро вилояти	35	29	50	50	70	25	100	100	50
Жиззах вилояти	100	100	100	100	70	25	100	100	50
Қашқадарё вилояти	96	86	100	50	70	25	100	100	50
Навоий вилояти	56	58	50	50	70	25	100	100	50
Наманган вилояти	100	100	100	100	70	25	100	100	50
Самарқанд вилояти	100	100	100	100	70	25	100	100	50
Сурхондарё вилояти	100	100	100	100	70	25	100	100	50
Сирдарё вилояти	40	40	50	50	70	25	100	100	50
Тошкент вилояти	64	54	100	50	75	25	100	100	50
Фарғона вилояти	100	100	100	100	70	25	100	40	50
Хоразм вилояти	100	100	100	100	85	25	100	100	50
Тошкент шаҳри	6	7	13	50	—	25	30	100	50

Жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, Тошкент шаҳри ва вилояти, Қашқадарё, Бухоро, Сирдарё ва Навоий вилоятларидан ташқари барча вилоятларда ажратмалар меъёри 100 фойизга тенг. Бу ерда худудларни тенглаштириш мақсадида солиқларнинг тақсимот вазифаси катта роль ўйнамоқда. Кам ривожланган худудларда солиқ тушумлари ушбу худудлар ҳисобида қолмоқда (масалан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти).

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги «Асосий макроикисодий кўрсакчиликлар прогнози ва Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2003 йилги параметрлари тўғрисида»ги 455—сон қарори.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасида бюджет тизимининг асосий тамойиллари бедгиланган бўлиб, унга мувофиқ бюджетларни шакллантиришда тури даражадаги бюджетлар ўзаро боғлиқликлиги хамда давлат бюджети баланслигини таъминлаши шарт. Республика бюджетидан субвенциялар ва дотациялар Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан бюджет субвенциялари ва дотациялари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тегишли тасдиқланган бюджетлар доирасида ажратилади.

Маҳаллий бюджетларнинг бу даромад турининг ўзига хос томонлари мавжуд. Юкори бюджетлардан ажратилашсан субвенция ва дотациялар бошқа даромад турларидан фарқ қилиб, бу даромад турлари йил бошида тасдиқланган режа асосида олинади, яъни бу даромад турларига йил давомида ўзгартирислар киритилмайди.

Маҳаллий бюджетлар учун 2002 йилда тасдиқланган дотацияларни маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришдаги ўзига хос томонларини қуидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

4 – жадвал

Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда умумдавлат солиқлари ва дотацияларнинг ўрни³¹

Даромад турлари	Режа		Фарқи	
	тасдиқланган	аннуланган	сумма	фота
Умумдавлат солиқларидан ажратилган солиқлар	11999425	15342091	3342666	127,8
Бироктирилган солиқлар	1839632	2729981	890349	148,4
Маҳаллий солиқлар ва йигимлар – жами	2912800	3124480	211680	107,2
Даромадларнинг жами	16751857	21196552	4444695	126,5
Дотациялар	12271100	1227100	0,0	100,0

³¹ Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. Т., Фан, 2004.

Жадвалда кўриб турганимиздек, юқори бюджетлардан маҳаллий бюджетларга бериладиган дотациялар маҳаллий бюджетларнинг муҳим даромад манбаи бўлиб ҳисобланмоқда.

Агар солиқлар ва йигимлар шаклидаги даромад манбалари ийл бошида тасдиқланган режага нисбатан ийл давомидаги ўзгаришлар билан ийл охиридаги аниқланган режа бўйича ўртacha 26,5 фойизга ошган бўлса, дотация тасдиқланган режа даражасида қолмоқда.

Дотация услублари маҳаллий бюджетларнинг республика бюджетига мурожаат этиш лозимлигини билдириб, уларни ҳудудлардаги боқибекамликни кучайтиради.

Маҳаллий солиқлар ва йигимларнинг бюджетта тўлиқ тушишини ташкил қилиш, уларнинг зиммасидаги асосий вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети таркибини таҳлил қилганда асосий ўринни эгри солиқлар, юридик шахслар даромад солиги ва жисмоний шахслар даромад солиқлари асосий ўринни эгаллайди. Яъни, бизнинг давлатимиз бюджетида тўғри солиқлар иккинчи ўринда, эгри солиқлар улуши бўйича биринчи ўринда туради. Ривожланган давлатлар бюджети таркибида бунинг тескарисини кўришимиз мумкин. Тўғри солиқларнинг бюджет даромадларида биринчи ўринда туриши мамлакатда яратилган даромаднинг юқорилигидан далолат беради. Чунки, тўғри солиқлар асосан даромаддан ва мол-мулклар қийматидан олинади.

Ривожланган давлатлар бюджет таркибини ўрганадиган бўлсак, асосий ўринни 5 – 6 та солиқ турлари эгаллайди. Бюджет таркибига назар солсак, дунёнинг ривожланган давлатларида асосан жисмоний шахслар даромад солиги, ижтимоий сугурта

фондига ажратмалар, маҳсулот ва ишлар учун солиқлар энг юқори кўрсаткичга эга. Ривожланган давлатлардан АҚШ ва Канадада жисмоний шахслар даромад солиги бюджет даромадларида юқори ўринни эталлайди.

5 – жадвал

Ривожланган давлатларда солиқларнинг ўзаро алоқаси³²

Давлат	Жами солиқ тунум лири	Жис- моний шахслар	Салмоқла- рни ташкил шаклар	Иктисодий сунната формалари	Солиқлар ни ташкил шаклар	Бошта солиқ лири
АҚШ	100	37,6	9,6	23,5	17,2	12,1
Канада	100	37,7	8,9	16,0	24,9	12,5
Буюк	100	25,9	10,5	16,8	35,2	11,6
Британия						
Франция	100	14,1	3,8	39,6	27,3	15,2
Германия	100	24,7	3,8	38,1	27,9	5,5
Италия	100	25,1	9,2	30,5	25,9	9,3
Япония	100	20,2	16,4	32,8	15,4	15,2

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳукукий шахслар даромад солиги ривожланган давлатларда бюджет даромадларида кам салмоққа эга. Фикримизча, аҳолининг даромад солиги бюджет даромадларида катта салмоққа эга бўлиши ва бу мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини юқорилигидан далолат беради. Республикамизда бу кўрсаткичнинг бюджет даромадларидағи салмоғи 10 – 15 фойзлар атрофида тебраниб туради.

Солиқларни миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва ролини кўришда мамлакатимиз давлат бюджетини таҳлил қилиш лозим. Шунда солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги

³² Финансово-кредитный энциклопедический словарь / Колл.авторов; Под общ.ред. А.Г.Грязновой. – М., Финансы и статистика, 2002. стр - 623.

аҳамияти қанчалик зарурлиги келиб чиқади. Ўзбекистон Республикасида солиқлар бюджет даромадларини 70 фоиздан ортиқ қисмийи бевосита шакллантиради. Бу ривожланган давлатлар кўрсаткичларидан бир мунча паст ҳисобланади.

6 – жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг


2003–2005 йиллардаги даромадлари³³

Кўрсаткичлар	2003 йил		2004 йил		2005 йил (прог.)	
	млн.сум	%	млн.сум	%	млн.сум	%
I. Мақсадли фонdlарнинг даромадлар	2 309 000,0	74,8	2621300	73,7	3310854	70,0
1. Тўғри солиқлар	618 000,0	26,8	714088	27,2	865830	18,3
2. Эрги солиқлар	1 367 500,0	59,2	1532944	58,5	1627910	34,4
3. Ресурс солиқлари ва мулк солиги	209 100,0	9,1	260100,3	9,9	629770	13,3
4. Ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиги	45 700,0	2,0	45734,2	1,7	52169,4	1,1
5. Бошқа даромадлар	68 700,0	3,0	68433,4	2,6	135175	2,9
II. Мақсадли фонdlар даромадлари	778 328,1	25,2	936386,6	26,3	1274001	26,9
III. Молия вазирлиги хузуридаги мактаб таълимими ривожлантириш бюджетдан ташқари фонди даромадлари	–	–	–	–	146007	3,1
С. Жами даромадлар (I+II+III)	3 087 328,1	100	3557687	100	4730862	100

Жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, бюджет даромадларида асосий ўринни эгри солиқлар, кейин эса тўғри солиқлар ва ресурс солиқлари эгаллади.

Охирги йилларда ресурс солиқларининг ҳам бюджет даромадларидағи улуши кўпайгани кузатилган. Тўғри солиқларнинг камайиши бу ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш учун давлатимизнинг олиб бораётган солиқ сиёсатининг асосидир.

³³ www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.



2 – диаграмма. Давлат Бюджети даромадларыда солиқларнинг ўсиши.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида эгри солиқлар узоқ давр фискал функцияның озакарлықтарынан қарастырылғанда, Биздинде республикамизда ҳам худи шундай қолат рүй берялтты. Эгри солиқлар бюджет даромадларини 60% фойзга яқинини шакллантиряпти. Тұғри солиқлар бюджет даромадларыда 25 – 27% фойзни ташкил этса, ресурс солиқлари әсі, 10% фойзге яқинини ташкил этапти. Ресурс ва мол-мulk солиқларини оқиригі йилларда ўсиш суръатларини юқори бўлиши, уларнинг ставкаларига боялиқ бўлиб, ҳукумат томонидан табиий ресурслар ва мол-мулклардан оқилона фойдаланишини ташкил этиш ҳамда тежамкорликни ошириш мақсадида юритилётган солиқ сиёсатининг натижасидир.

1.3. Солиқ тизими ва солиқларнинг гуруҳланиши

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига биноан солиқ тўловчилар 2 гурухга ажратилади:

- юридик шахслар;
- жисмоний шахслар.

Юридик шахслар бизга маълумки, ўз фойдаланишидаги мулкка эга бўлган ва шу мулк билан ўз мажбуриятларига жавоб берадиган, бухгалтерия баланси ва банкда ҳисоб рақамига эга бўлган шахслар тушунилади. Жисмоний шахслар эса юридик шахс мақомини олмаган шахслардир. Бундай шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқароси, фуқаролиги бўлмаганлар ва чет эл мамлакатлари фуқаролари киради.

Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар марказлашган пул фондини ташкил этади, яъни бюджетни, барча солиқлар ва тўловлар унга келиб тушади. Тўланётган солиқлар ва тўловларнинг моҳияти битта ва улар бир-бири билан ўзаро боғланадиган, яъни бирининг суммаси ошса, иккинчисини камаяди. Шу фикрлардан келиб чиқиб, солиқ тизимига шундай таъриф беришимиз мумкин: «Бир хил моҳиятта эга ва ўзаро муносабатда боғлиқ бўлиб, марказлашган пул фондини ташкил этадиган солиқ ва йигимлар турларнинг йигиндиси солиқ тизимини ташкил этади». Бу таърифда солиқ ва йигимлар ягона моҳият, яъни «мажбурий характерга эга бўлган муносабат» ва уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги ва ниҳоят, бюджетта тушишини кўрсатади. Бу Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси мазмунига мос келади.

Солиқ тизимини мамлакатимизда икки поғонали тизими амал қиласиди. Яъни, умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар.

Умумдавлат солиқлари республика бюджетига бориб тушади ва марказлаштирилгац ҳолда макродаражадаги вазифаларни ҳал қидиш учун сарфланади. Махаллий солиқлар маҳаллий бюджетларга тушиб, маҳаллий ҳокимият органларининг вазифа ва тадбирларига сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 5—8 моддаларига биноан солиқ тизими қуийдаги таркибга эга:

7 – жадвал

Умумдавлат солиқлари	Маҳаллий солиқлар ва йигимлар
1. Ҳукуқий шахсларнинг даромадига солиқ	1. Мол – мулк солиги
2. Жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ	2. Ер солиги
3. Қушимлан қиммат солиги	3. Кичик бизнес учун ягона солиқ
4. Акция солиги	4. Ихтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиги
5. Ер остидан фойдаланиш солиги	5. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёки – фиси ва газ ишлатганлик учун ойнадиган солиқ
6. Экология солиги	6. Савдо ҳукуки йигими, шу жумладан, алоҳида товар турларини сотиш лицензия йигими
7. Сув ресурсларидан фойдаланиш солиги	7. Ишбилармонлик билан шгуулла – нувчи ҳукуқий ҳамда жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш йигими
8. Савдо ташкилотларининг ялпи даромад солиги	
9. Божхона божи	
10. Давлат божи	
11. Қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш йигими	
12. Бошқа даромадлар	

Жадвалдан кўриниб турибдики, Солиқ Кодексида 8 та умумдавлат солиқлари ва 5 та маҳаллий солиқлар кўрсатилган. Солиқлар ва йигимларнинг жами йигинди суммаси солиқ юки тушунчасини келтириб чикаради.

Солиқлар солиқка тортиш объектига қараб, 3 гурухга бўлинади:

1. Оборотдан олинадиган солиқлар;

2. Даромаддан олинадиган солиқлар;

3. Мол-мұлк қийматларидан олинағынан солиқ.

Оборотдан олинағынан солиқтарга ҚҚС, акциз солиғи, божхона ва ер ости бойліклар қийматидан олинағынан солиқтар киради.

Даромаддан олинағынан солиқтарга ұуқықий шахсларнинг даромадига, жисмоний шахсларнинг даромадига олинағынан солиқ ва савдо ташкылтларининг ялпі даромадидан олинағынан солиқтар киради. Бу гурұх солиқтарига ижтимоий инфраструктураның ривежлантириш солиғи ҳам киради.

Мол-мұлк қийматидан олинағынан солиқтарга мол-мұлк солиғи, ер солиғи, ер остидан фойдаланыш солиғи, экология солиғи ва бошқалар киради.

Иқтисодий мөхиятига қараб солиқтар түгри ва әгри солиқтарға бўлинади.

Ўзбекистон Республикасида түгри солиқтар таркибиға куйидаги солиқтар кириллади:

- ұуқықий шахслар даромад (фойда) солиғи;
- тадбиркорлик билан шугулланувчи жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи;
- жисмоний шахслар даромад солиғи;
- кичик корхоналардан ундириладиган ягона солиқ;
- мол-мұлк солиғи;
- ер солиғи;
- ер ости бойлікларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- экология солиғи;

Түгри солиқтар корхоналар молиявий фаолиятига ва уларнинг инвестицион фаолиятига салбий таъсир этишини ҳисобга олиб, мамлакатимиз солиқ тизимида уларнинг

ставкаларини пасайтириш жиёсати олиб борилмоқда. Бу корхоналар даромадларини ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

1.4. Солиқлар статистикасининг назарий асослари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ўзининг бюджет, пул, молия-кредит тизимига эга бўлди. Шу қаторда ўзининг мустақил солиқ сиёсатини олиб бормоқда. Чунки, бюджет муносабатларини шакллантиришда муҳим восита солиқ тизими ҳисобланади. Республикаизда солиқ тизими ийдан – йилга такомиллашиб, унинг давлат бюджети даромадларидаги салмори ортиб бормоқда. Аммо бу тушумлар ортиши ёки камайиши, айрим солиқ турлари динамикаси кескин ортиши ва уларни доимий равишда таҳлил қилиб бориш, ўз усуллари ёрдамида таҳлил қилиш бутунги кунда солиқ статистикаси фанига юклатилган.

Солиқ статистикаси фанини ўқитиши солиқ амалиётида адашмаслик, унинг тушумлари ортиб боришига ёки камайишига қандай омиллар таъсир этади ва келажакда солиқ кўрсаткичларини башпоратлашда базис даври кўрсаткичларидан фойдаланиб режалаштириш ва катта муваффақиятларга эришиш учун ҳам зарурдир.

Солиқ статистикаси фани иқтисодиёт назарияси ва статистика фанлари билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, солиқ статистикаси фанининг қонуниятлари умумиқтисодий назария ва статистика фанлари қонуниятларидан четта чиқиб кетолмайди, улар асосида иш кўради. Бу фан молия, солиқча тортиши, бухгалтерия ҳисоби ва олий математика фанлари билан ҳам узвий боғлиқ ва у мазкур фанлар усулларидан фойдаланади, таҳлиллар олиб боради.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида корхоналар, фуқаролар ва давлат ўртасидаги алоқалар фақаттина солиқ

орқали амалга оширилади. Солиқ давлат учун ҳам, корхона ва фуқаролар учун ҳам муҳим аҳамиятта эга саналади. Чунки соликларни тўлаш, уларни таҳлил қилиш ҳар қандай жамиятнинг асосий вазифадаридан ҳисобланади.

Ҳар қандай фан ҳам ўз предметига ва ўрганиш обьектига эга бўлиши керак. Статистика фани ижтимоий-иктисодий ҳодисаларни, уларнинг миқдорий томонларини сифатидан ажратмаган ҳолда ўрганади. Агар ҳодисаларнинг фақат миқдор томонини ўрганадиган бўлса, у бу ҳодисанинг фақат рақамлардаги ифодаси бўлиб, унинг қандай қилиб бу ҳолатта келиб қолганлиги ёки унга таъсир этган омилларни кўрсата оғайди. ~~Миқдор сифат бўлан жамиятнинг таҳлил ҳар қандай~~ иктисодий ҳодиса ягона бир бутуниликда ҳодиса меъёрини ҳосил қиласди. Ҳар қандай иктисодий кўрсаткич сифат ва миқдорий томонларнинг ягона бирлигига гавдаланади. Солиқ кўрсаткичлари ҳам иктиносидиётнинг бир таркибиdir. Солиқ назарияси фанининг предмети эса соликлар ҳаракатини ўрганишдир. Демак, юқоридаги таърифларга таяниб иш кўрадиган бўлсан, солиқ статистикаси фанининг предмети бўлиб, солиқ тизимидағи ҳодиса ва жараёнларни аниқ бир макон ва замонда, уларнинг миқдор томонини сифатидан ажратмаган ҳолда ўрганади. Яъни, у солиқ тизимидағи воқеа, ҳодиса ва жараёнларни аниқ географик ҳудудда, маълум йиллар давомида миқдор томонларини ва бу миқдорларга таъсир этувчи омилларни биргаликда яхлит ўрганади. Бу ўрганишда солиқ статистикаси усусларидан фойдаланиб таҳлил қиласди ва режалаштиради.

Фанинг обьекти бўлиб, солиқ ва солиқка тортиш тизимидағи воқеа, ҳодисалар ва жараёнлар ҳисобланади.

Ҳар қандай фан ўз обьектини маълум усуллар ёрдамида ўрганади. Барча фанлар учун умумий ўсул – диалектика усулидир. Чунки бу ўсул ижтимоий ҳодисаларни ривожланиш жараёнида, ўзаро боғланган ҳолда ўрганишни тақозо этади. Ижтимоий – иқтисодий ҳодисаларда содир бўладиган барча ўзгаришларни туб сабаби, уларнинг ўзаро таъсирида бўлишидандир. Яъни, бирор ҳодиса ва жараёнларни ўрганаёттандыра ўзини алоҳида эмас, балки у нималар билан боғланган, шу боғланган жараёнлар билан ўрганиб, уларнинг шу ҳодисалар ўзгаришидаги салмоғини аниқлаб таҳлил қиласи.

Солиқлар статистикасини ташкил этишда кўрсаткичлар тизими муҳим ўрин тутади. Солиқ статистикаси фанининг асосий вазифаларидан бири, унинг кўрсаткичлар тизимини яратиш, кенгайтириш ва улар устида таҳлиллар олиб бориш ҳисобланади. Солиқлар давлат бюджетини ташкил этишининг муҳим йўналиши бўлиб, мураккаб тизим ҳисобланади. Авваламбор, кўрсаткичлар тизими бюджет даромадларини маълум вакт миқёсида, алоҳида, ҳудудий, солиқлар гурӯҳлари бўйича фарқ қилишини ўзида акс эттириши керак. Бозор шароитида солиқ тўлашга ва солиқ тушумларига турли хил омиллар таъсир этади. Шу сабабли солиқлар эластиклиги, солиқларни динамик коэффициентлари ва солиқ тушумлари индекслари солиқ статистикаси кўрсаткичлар тизимида ўз аксини топиши лозим. Кўрсаткичлар тизимида энг асосийси динамика кўрсаткичлари, индекслар ва тушумларга таъсир этувчи омилларни эътиборга олган ҳолдаги кўрсаткичлар тизими ҳисобланади.

Солиқларни ҳар томонлама статистик ўрганиш учун унинг турлари ва тушумларини ифодалайдиган статистик кўрсаткичлар тизимини яратиш бутуннинг талабидир.

Солиқ статистикасини ўрганишда қўлланиладиган статистик кўрсаткичлар тизими қўйидагича:

- юридик шахслар даромад солиги;
- жисмоний шахслар даромад солиги;
- мол – мулк солиги;
- ер солиги;
- савдо ташкилотларининг ялпи даромад солиги;
- қўшилган қиймат солиги;
- актиз солиги;
- қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларининг ягона ер солиги;
- ер остидан фойдаланганлик учун солиқ;
- сўв ресурсларидан фойдаланиш солиги;
- кичик корхоналарнинг ягона солиги;
- солиқларнинг эластиклик коэффициенти;
- солиқларнинг динамик коэффициенти;
- солиқларнинг Ялпи миллий даромад бўйича эластиклик коэффициенти;
- солиқларнинг бюджет даромадларидағи салмоги;
- солиқ тушумлари индекслари.

Бу кўрсаткичлар ёрдамида солиқлар динамикаси, айрим солиқ турларини ўзгариши, шунингдек, солиқларнинг мамлакат иқтисодиёти учун муҳим жиҳатлари ўрганилади.

Солиқ статистикасида қўлланиладиган асосий тушунчалар тўғрисида таъриф бериб ўтамиз:

юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиги – корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар даромади (фойдаси) бир қисмининг бюджетта мажбурий тўловидир;

жисмоний шахсларни даромад солиги – жисмоний шахсларнинг олган даромадлари бир қисмини бюджетга тўлашидир;

мол–мулк солиги – юридик ва жисмоний шахслар мол–мулка эга бўлганлиги учун тўланадиган солик;

ер солиги – юридик ва жисмоний шахсларнинг ердан фойдаланганлик учун бюджетта тўланадиган тўлови;

савдо ташкилотларининг ялпи даромад солиги – солик даромад солигидан фарқли бўлиб, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун 6 та (экология солиги, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик, ер остидан фойдаланганлик учун солик, ер солиги, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги, бошқа соликлар ва йиғимлар) солик тури ихчамлантирилган;

қўшилган қиймат солиги – ишлаб чиқариш, товарлар (ишлар, хизматлар) сотиш ва Ўзбекистон ҳудудига товарлар (ишлар, хизматлар) импорт қилиш жараёнида қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетта ажратиш;

акциз солиги – эгри солик сифатида соф даромаднинг бир қисми бўлиб, у баҳо ичида ҳамда қўшилган қиймат солиги базасида ҳисобланади;

қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиги – ер солигидан фарқ қилиб, қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари учун 8 та (даромад солиги, қўшилган қиймат солиги, экология солиги, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик, ер остидан фойдаланганлик учун

солиқ, ер солиғи, мол мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, бошқа солиқлар ва йигимлар) солиқ тури ихчамлаштирилган;

ер остидан фойдаланганлик учун солиқ — ер ости инишотларини қуриш ва улардан фойдаланишини амалга оширишда тұланаңдиган соликтердір;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ — ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар тұлайдиган солиқ тури;

кичик корхоналарнинг ягона солиғи — кичик корхоналар учун умумдағы солиқлар үрнігінде ягона солиқ тури;

~~солиқтарнинг өзгәрешилген коэффициенттері~~ — бұз солиқ түшумларнинг үзгаришини солиқка тортиладын базани үзгаришига нисбатан хисобланади;

солиқларнинг динамик коэффициенти — солиқлар динамикасы олинған солиқ суммасини ялпи, ички маңсулот нисбий үсищига нисбатан одинади;

солиқларнинг ялпұ миляй даромад бүйічча эластиклик коэффициенти — солиқ түшумларининг үзгаришини ялпи миляй даромад үзгаришига нисбати орқали хисобланади;

солиқларнинг бюджет даромадларындағы салмоғи — алохіда солиқ турларини бюджет даромадларидаги салмоғи хисобланади ва бағоланади;

солиқ түшумлари индекслари — солиққа тортиладын база, солиққа тортиладын даромад да солиқ ставкалари үртасындағы болганишини ифодалайдын күрсаткыч хисобланади.

Юқоридаги түшүнчалар солиқ статистикасининг асосий терминлари бўлиб, кейинги бобларда бу күрсаткычлар түғрисида батафсил тұхталиб ўтамиз.

1.5. Солиқлар статистикасини ташкил этишда ахборот манбалари

Хар қандай статистик таҳлил олиб бориш учун маълумот манбалари жуда катта аҳамиятта эга. Чунки олиб борилаётган таҳлиллар шу маълумотлар асосида иш кўради ва ўз объектини ўрганиш учун муҳим манба ҳисобланади. Ахборот манбаларини шакллантириш ва такомиллаштириш солиқ статистикасининг муҳим вазифаларидан биридир.

Солиқ тизимида олиб борилаётган иқтисодий сиёсат ва бу сиёсатнинг муваффакиятли туташи учун кўрсаткичлар доимий равишда таҳлил қилиниб, ўрганилиб борилишини тақозо этади. Агар кўрсаткичлар динамикаси ўрганилмаса, тенденциялар кузатилмаса, олиб борилаётган сиёсат боши берк кўчага кириб қолиши мумкин. Таҳлилни амалга ошириш учун албатта ахборот манбалари жуда муҳим бўлиб, уни вақт ва жараёнлар ўзгариши билан такомиллаштириб бориш керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси бўтун республика статистикаси устидан умумий раҳбарликни амалга оширади, ягона методология асосида статистик кузатиш ўтказади ва бошқа маълумот манбаларига эга бўлган давлатни бошқариш органлари билан ўзаро алоқада бўлади. Давлат Статистика Кўмитаси дастурига кирган барча дастурлар ҳамма даражадаги статистика учун мажбурий ҳисобланади ва барча маълумотлар республика миқёсида йигилади. Шу жумладан, солиқ статистикаси учун ҳам муҳим бўлган мавжуд маълумотлар йигилади.

Республика миқёсида барча юридик ва жисмоний шахслар олаётган даромадлари, мол-мулқлари, ер ва бошқалар учун солиқ тўлайдилар. Улар ўз навбатида солиқ идораларида ва статистика

органларида ҳисобга олиб борилади. Юридик шахслар солиқлари уларнинг солиқ ва статистика органларига топширган ҳисоботлари асосида ҳисобга олинади. Ушбу ҳисоботлар асосида кўрсаткичлар дастлаб, туман миқёсида, кейинчалик вилоят ва республика миқёсида йиғиб жамланади. Маълумотларни йиғища статистика ва солиқ идоралари томонидан жорий этилган ҳисоботлар амал қиласди.

Бу ҳисобот асосан йиллик бухгалтерия ҳисоботи ҳисобланади (3 – илова). Солиқ статистикаси учун йиллик ҳисобот таркибидаги асосий маълумот манбаси «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботи» (4 – илова) ва шу ҳисоботта илова сифатида **«Бюджетта тўловлар тўғрисидаги маълумот»** (5 – илова) асос бўлиб хизмат қиласди. «Бюджетта тўловлар тўғрисидаги маълумот»да юридик шахсларнинг маҳаллий ва давлат бюджетига тўлаган барча солиқлари кўрсатиб ўтилади. Ушбу маълумотномада солиқларнинг номи, ҳисобланган миқдор ва ҳақиқатда тўланган миқдор кўрсатиб ўтилади. Бу маълумот дастлаб туман статистика органларида йиғилиб, кейинчалик вилоят ва республика миқёсида жамланади. Бу албаттга, солиқ статистикасини ташкил этишда мұхим ахборот бўлиб хизмат қиласди.

Бизнинг фикримизча, ушбу маълумотномани бир оз кенгайтирилган тартибда жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки, бунда солиқларни таҳлил қилиш анча осонлашади, маблағ ва вақт ҳам тежалади. Яъни, унда қўйидагича ўзгартириш киритиш мумкин: ҳақиқатда тўланган солиқларни корхонанинг даромадларидаги салмоғи кўрсатилиб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлади. Танланма кузатиш олиб борища, корхонанинг тўлаган солиқларини таҳлил қилишда бу маълумот мұхим ахборот

ҳисобланади. Бу ерда фәқаттана эгри солиқлар салмоғи күрсатыб үтилмайды, чөнки уларни түловчи корхона әмас, балки истеъмолчилардир. Үнинг тузилиши қуйидагича бўлади:

8 – жадвал

Солиқ статистикасини ахборот манбасини такомиллаштириш бўйича тақдиф қилинаётган жадвал тузилиши

Солиқ кўрсаткчилари номи	Сатр коди	Ҳисоб- ланган микдор	Ҳақимдан тўланган микдор	Солиқларни корхона даромадларидағи салмоғи
Тўғри солиқлар	010			
Эгри солиқлар	011			X
Бошқа солиқлар	012			

Юқоридаги жадвал асосида иш кўрилса, солиқ статистикасини йўлга қўйиш анча осон кечади.

Жисмоний шахслар солиқлари асосан декларация маълумотлари асосида йигилади. Статистика органлари ишонч ҳосил қилиши учун фуқаролар солиқларини ҳисоб-китоб ишлари ва чоп этиладиган маълумотларда жамланган, қўшилган ҳолда келтирадилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўйсак, солиқлар, солиққа тортиш тамойиллари ва солиқ статистикаси тўғрисида ягона бир фикр йўқлиги, бу соҳада ҳали жуда кўп илмий-тадқиқотлар одиб боришини тақозо этади. Солиқ тизимида статистик таҳлилларни олиб боришида маълумот манбалари мухим аҳамият касб этиб, уни вакт ва жараёнларни ўзгариши билан такомиллаштириб бориши зарурияти туғилади.

2-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОЛИҚЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

2.1. Тўғри (бевосита) солиқларниң иқтисодий-статистик таҳлили

Солиқлар иқтисодий мөхиятига кўра ва ундирилиш обьектига кўра маълум турларга бўлинади. Солиқларни айрим гуруҳларга бўлиш, уларниң бажарадиган вазифаларидан келиб чиқади. Кўпчилик иқтисодий адабиётларда солиқлар икки турга бўлинishi асослаб келинади:

- тўғри солиқлар
- эгри солиқлар

Тўғри солиқларни тўғридан-тўғри солиқ тўловчиларниң ўзи тўлайди. Солиқнинг ҳуқуқий ва ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлади. Бу солиқларга ҳамма даромаддан тўланадиган ва барча мулк солиқлари киради. Тўғри солиқлар тўғридан – тўғри даромаддан олинганлиги учун солиқ ставкасини камайтирилиши корхоналар даромадининг кўп қисмини уларга қолдирилиб, инвестицион фаолиятини кенгайтириш имконини беради. Эгри солиқларниң ҳуқуқий тўловчилари маҳсулотни ортувчилар, иш, хизматни бажарувчилар, ҳамда хизмат қўрсатувчилардир, лекин солиқни ҳақиқатдан ҳам бюджетта тўловчилари товарни истеъмол қилувчилар, яъни ҳақиқий солиқ тўловчилар бу ерда яширгандан. Бу солиқлар товар қиймати устига устама шаклида қўйилади. Эгри солиқлар таркибига ККС, акциз солиги, божхона божи, ер остидан фойдаланиш солиқлари киради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, тўғри ва эгри солиқлар ягона солиқ тизимини ташкил этиб, бир-бири билан ўзаро боғланган. Умумий солиқлар суммаси ўзгармаган ҳолда бирининг ставкасини камайтириш, иккинчисининг ставкасини оширишни талаб этади.

Солиқларнинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, дастлаб тўғри солиқлар вужудга келган. Тўғри солиқлар солиқка тортишнинг барча тамойиллариقا мос келади ва тўла даражада солиқларнинг функцияларини бажаради. Давлат тизими ривожланиб, унинг функциялари кенгайиши билан зарур маблағларни фақат тўғри солиқлар орқали тўплаш имконияти пайдо бўлмагандан кейин эгри солиқлар шайдо бўлган ва амалиётта киритилган. Тўғри ва эгри солиқлар биргаликда яхлит солиқ тизимини ташкил этади. Баъзи адабиётларда тўғри ва эгри солиқлар бевосита ва билвосита солиқлар ҳам деб аталади.

Тўғри солиқларнинг асосий турларига юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиги, аҳолидан олинадиган даромад солиги ва мол – мулк солиқлари киради.

Тўғри солиқлар товар (иш, хизмат)нинг баҳосига таъсир кўрсатмайди. Лекин улар корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатади.

Қуидаги жадвалда тўғри солиқларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларидағи ўрни³⁴.


9 – жадвал

Тўғри солиқларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларидағи ўрни³⁴

Курсаткилар	2000	2001	2002	2003	2004	2005 (прог.)	2005 йилда 2000 йилга нишбатан үзгариши, пункт
Давлат бюджети даромадлари – жами	100	100	100	100	100	100	X
Тўғри солиқлар (%)	37,8	37,7	34,6	35,8	37,1	31,6	-6,2

³⁴ www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги матъумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

Жадвал мәдениеттердеги жағдайлар түрінде көбінде 2000 – 2005 йилдарда түгри солиқтар салмоғы давлат бюджети даромадларида пасайиш тенденциясынан зерттейді. Бу жағаро бюджеттің амалиетінде шакланған тенденциялар нұқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланады. Чүнки, бозор мұносабатлары шароиттіде түгри солиқтар салмоғы бюджеттің даромадларида барқарор ва ўсиш тенденциясынан зерттейді.



1 – расм. Түгри солиқтарни давлат бюджети даромадларындағы салмоғы ўсиш (камайиш) суръати.

Ривожланған давлатлардан АҚШ, Буюк Британия ва Японияда давлат бюджети даромадларында түгри солиқтар юқори салмоқни әгаллайды. Масалан, АҚШда түгри солиқтар федерал бюджеттің даромадлары таркибида 90 фоиздан ошады, әгри солиқтарнинг салмоғы эса, 5 фоизни ташкил этады.

Мамлакатимизда түгри солиқтарнинг бюджеттің түшумларындағы салмоғининг үзгаришига асосий себеп, уларнинг ставкаларини давлат томонидан мунтазам рационализациялаудың күйінде болады. Масалан, юридик шахслар даромад (фойда) солигини күрадиган бўлсак, 1998 – 2003 йилларда солиқ ставкаси

15 пунктта туцган ёки 43 фоизга камайган. Бу албатта солиқ тушумига ўзининг сезиларни таъсирини кўрсатади.

Тўгри солиқлар таркибини таҳлил қиласидаги бўлсак, унда асосий ўринни жисмоний шахслар даромад солиги эгаллади.

Ушбу солиқ тўгри солиқлар таркибида 2005 йилда 32,6 фоизни ташкил этмоқда. 2000 йилда бу кўрсаткич 31,8 фоизни ташкил этган эди. Ушбу солиқнинг 2000 йилдан бери ставкалари бир неча пунктта пасайтирилди, шу билан бирга у тўгри солиқлар таркибида ҳам, бюджет даромадларида ўсиш суръатига эга бўлди.

Солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси нуқтаи назаридан бу ижобий ҳодат ҳисобланади.


10 – жадвал

Ўзбекистон Республикасида тўгри солиқларнинг таркиби ва улуси³⁵

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004	2005 (проғ.)	2005 йилда 2000 йилга нисбатан загарини пункт
Тўгри солиқлар	100	100	100	100	100	100	X
Даромад (фойда) солиги	35,9	29,8	27,0	24,0	20,2	14,7	-21,2
Тадиқкорлик б – и шуг. жис. шахслардан унда	5,0	5,8	5,4	8,5	4,0	3,0	-2
Даромад солиги							
Жисмоний шахслар даромад солиги	31,8	33,9	35,8	36,6	37,1	32,6	+0,8
Кичик корхонелардан удидириладиган ягона солик	—		5,9	10,3	5,6	9,5	+5,7
Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мол – мўлк солиги	8,5	8,0	5,3	6,3	8,2	7,6	-0,9
Ер солиги	8,8	7,8	5,9	7,3	8,4	6,2	-2,6
Ер остик бойлосларидан фойдаланганлик учун солик	3,2	1,9	2,7	2,9	4,8	23,3	+20,1
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик	1,2	1,0	1,0	1,1	1,4	0,9	-0,3
Экология солиги	5,6	5,9	6,6	7,7	6,1	6,0	+0,4

³⁵ www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги матъумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тўғри солиқлар таркибида асосий ўринни жисмоний шахслар даромад солиги, юридик шахслар даромад (фойда) солиги ва охирги йилда ер остидан фойдаланиш солиги эталламоқда. Тўғри солиқлар таркибида энг катта ўсиш суръатига эга бўлган солиқ ер остидан фойдаланиш солиги ҳисобланади, яъни бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 2005 йилда 20,1 пунктта ўзгариши кузатилди.




3—диаграмма. Тўғри солиқлар таркиби ва ўсиши.

Ушбу ҳолатни юқоридаги диаграммада яққол кўришимиз мумкин. Юридик шахслар даромад (фойда) солиги камайиш тенденциясига эга бўлса, жисмоний шахслар даромад солигида ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Кичик корхоналардан ундириладиган ятона солиқ ҳам тўғри солиқлар таркибида 2002–2004 йилларда катта ўсиш эга бўлган. 2005 йилга келиб эса, бу солиқ турида ҳам қисман пасайиш вужудга келди. Кичик корхоналарнинг тўғри солиқлар

таркибида камайишида уларнинг ставкаларини пасайтириш ва ҳукумат томонидан бу корхоналар фаолиятини ривожланиши учун шароит яратиш мақсадида солиқ мұносабатларини такомиллаштуви деб изоҳлашимиз мүмкін.

Ер ва мол-мұлқ солиқлар ҳам түгри солиқлар таркибида катта салмоққа эга. Бу солиқларни такомиллаштириш бугунги кунда давлат солиқ сиёсатининг устувор ийненишлари деб қаралмоқда.




4—диаграмма. 2000 йилда түгри солиқлар таркиби (фоизда)

Юқоридаги диаграммада түгри солиқларни 2000 йилдаги таркиби ва ҳар бир солиқ турларининг улушини яқын күришимиз мүмкін.

Ушбу жадвал ва диаграммалардан күриниб турибдики, ҳозирги вақтда түгри солиқлар ичіда салмоғига күра жисмоний шахслар даромад солиги етакчилик құлмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, мәзкур солиқ күпроқ үзининг фискаллық функциясини бажармоқда. Бу ҳолатни солиқ ставкаларининг нисбатан юқори эканлигіда ва унинг паст ставкалари ҳам даромаднинг катта бүлмаган қисміга ўрнатылғанлығы билан изоҳлаш мүмкін. 2000 йилда ушбу солиқ учун 45 фоизлик энг юқори ставка белгиланыб, 4 погонага бўлинган эди. 2001 йилдан

даромад солигини ҳисоблашни З поронали тизими жорий этилди. Аммо, иш ҳақининг 10 баробаридан юқори бўлган даромадлардан энг юқори, яъни 36 фоизлик ставка билан солик олинадиган бўлди.

Куйидаги диаграммада 2005 йилга келиб тўғри солиқлар таркиби қандай ўзгаришини кўришимиз мумкин.



5 – диаграмма. 2005 йилда тўғри солиқлар таркиби (фоизда)

Ривожланган давлатларда жисмоний шахсларни даромад солиғига тортиш амалиётига қарайдиган бўлсак, АҚШда даромад солиғининг З поронали ставкаси амал қилиб, Федерал бюджетнинг 45 – 50 фоизини шакллантиради.

11 – жадвал

АҚШ Федерал Бюджетида даромад солиқларининг туттган ўрни³⁶

Солиқ турни	1999 й.	2000 й.	2002 й.
Федерал бюджетнинг жами даромадлари	100,0	100,0	100,0
Жисмоний шахслар даромад солиги	49,3	48,8	48,6
Корпорациялар даромад солиги	10,4	9,3	9,6

³⁶ Гофуров Ш. АҚШ солиқ сиёсати. «Сөзинқ ва бояжона жабарлари» газетаси, №8, 2004 йил.

АҚШ Федерал бюджетида жисмоний шахслар даромад солиги салмогига кўрақ биринчи ўринда туради. Давлат бюджетида даромад солигининг салмоги юқори даражада бўлиши бу мамлакат аҳолисининг турмуш даражасининг юқори эканлигини, яъни аҳолининг даромадлари кўплигини, аҳоли жон бошига ЯИМнинг юқорилигидан далолат беради.

Буюк Британияда ҳам ушбу солиқ З погонали ставкада ундирилади, яъни 20 фоиз, 24 фоиз ва 40 фоиз. Бошқа ривожланган давлатларда ҳам жисмоний шахслар даромад солиги ва хукуқий шахслар даромад солиги бюджет даромадларини шакллантирища етакчи ўринни эгаллайди.

12 – жадвал

Ривожланган давлатларда даромад солигининг бюджет даромадларида туттан ўрни³⁷

Давлатлар	Жисмоний солик суммалари	Даромад солики	
		Жисмоний шахслар	Хукуқий шахслар
Канада	100	37,7	8,9
Буюк Британия	100	25,9	10,5
Франция	100	14,1	3,8
Германия	100	24,7	3,8
Италия	100	25,1	9,2
Япония	100	20,2	16,4

Хусусан, Канада, Буюк Британия, Германия ва Италиядаги жисмоний шахслар даромад солиги юқори ўринда туради.

Бизнинг республикамизда 2000 йилгача бу солиқ тўғри соликлар таркибида иккинчи ўринда тўтара эди. 2001 йилдан бошлаб ушбу солиқ тури биринчи ўринга чиқиб олди ва давлат бюджетининг 11 – 12 фоизини шакллантириб келди. Аммо 2005

³⁷ Финансово-кредитный энциклопедический словарь / Колл.авторов; Под общ.ред. А.Г.Грязновой. – М.; Финансы и статистика, 2002. стр - 623.

йилда бу солиқ турининг бюджет даромадларидаги салмоги 9,8 фоиз бўлиши кутгилмокда.

Хозирда мамлакатимиз солиқка тортиш тизимини такомиллаштириди. максадида жисмоний шахслар даромад солигининг ставкаларини пасайтириш тенденциясини давом эттириш ва 3 поғонали солиқ ставкасидан 2 поғонали солиқ ставкасига ўтиш солиқ сиёсатининг асосий тамойилларидан ҳисобланади.

13 – жадвал


Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантирища тўғри солиқларнинг ўрни ва роли³⁸

Корсаатчилик	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Давлат бюджети даромадлари – жами	100	100	100	100	100	100
Тўғри солиқлар	37,8	37,7	34,6	35,8	37,1	31,6
Даромад (фойда) солиги	12,9	11,3	7,7	7,4	7,0	4,4
Савдо корхоналарининг ялпи даромад солиги	—	—	3,1	2,9	2,7	1,4
Кичик корхоналар учун ягона солиқ	1,9	2,2	2,1	2,3	3,3	1,7
Жисмоний шахслар	11,5	12,8	12,4	12,3	12,7	9,8
Даромад солиги	—	—	—	—	—	—
Тадибиорик б.—н. шуг. жис. ш.лар даромад солиги	1,6	2,2	1,9	1,3	1,4	0,9
Муаллиф солиги	3,2	3,1	1,8	3,1	2,8	2,3
Ер солиги	3,1	2,8	2,0	2,2	2,9	1,9
Ер ости бойликларидан фойдаланганлик солиги	1,1	0,7	1,0	1,3	1,7	7,1
Сув ресурсларидан фодаланганлик солиги	0,5	0,4	0,3	0,4	0,5	0,3
Экология солиги	2,1	2,2	2,3	2,6	2,1	1,8

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, давлат бюджетини шакллантирища тўғри солиқлар таркибида иккинчи ўринда ҳуқуқий шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиги ҳисобланади. Ушбу солиқ тўри 2000 йилда тўғри солиқлар

³⁸ www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

таркибида 35 фоизни эгаллаган бўлса, 2005 йилга келиб бу 15 фоизга тушди. Таҳдил қилинаётган даврда бу солиқ турининг ставкаси 20 пунктта пасайтирилди ёки бу 57 фоизни ташкил этади. Шу нуқтатай назардан бу солиқ турининг бюджет даромадларидағи салмоғи 8,4 пункктта камайди.



6 – диаграмма. Давлат бюджетини шаклантирипда түри солиқларнинг ўрни.

Солиқ тушумларига таъсир этувчи асосий омил – бу солиқ ставкаси ҳисобланади. Бизнинг республикасида ҳам даромад (фойда) солигининг ставкаси мунтазам пасайтирилиши ва бунинг натижасида ушбу солиқнинг бюджет даромадларидағи салмоғи пасайиб кетди. Лекин ушбу солиқ турида ставканинг пасайтириши сиёсати ўз натижасини бермади. Зеро, бундан кўзланган мақсад солиқ ставкасини пасайтириб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бунинг натижасида кўпроқ даромад олиб бюджет даромадларини кўлпайтириш эди.

Ривожланган давлатларда ҳуқуқий шахслар даромад (фойда) солиги (корпорациялар даромад солиги) ставкалари Ўзбекистондан амал қилиб турған ставкалардан бир мүнча юқори ҳисобланади. Масалан, АҚШда – 34 фоиз, Буюк Британияда – 33 фоиз, Францияда – 36,6 фоиз, Германияда – 45 фоиз, Японияда – 42 фоиз ва Канадада – 25 фоизни ташкил этади.

Марказий ва Еарбий Европа давлатлари бюджетлари таркибини ўрганадиган бўлсак, тўгри соликлар, асосан, жисмоний шахслар даромад солиги ва корхоналар даромад (фойда) соликлари бюджетда ҳал этувчи ролни бажаради.

14 – жадвал

Марказий ва Еарбий Европа давлатлари тўгри соликларининг бюджет даромадларидағи салмоғи³⁹

Хурсат китоблар	Болгария		Венгрия		Польша		Руминия	Чехия	
	1993	2000	1990	2000	1992	2000		1994	1999
Даромадлар – жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Фойда солиги	14,5	9,9	22,3	9,5	16,2	12,6	18	16,5	8,6
Даромад солиги	10,6	10,4	8,2	18,7	23,1	17,8	7,7	1,5	7,2

Жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, Марказий ва Еарбий Европа мамлакатлари бюджет даромадларида жисмоний шахслар даромад солиги ва ҳуқуқий шахслар даромад (фойда) соликлари мамлакатимиз бюджети кўрсаткичларидан кескин фарқ килмас экан.

Республикамида даромад (фойда) солигининг ставкасини, янада пасайтириш солик ундирищнинг куйи поғонасига яқинлашиб қолданлигимиз туфайли максадга мувофиқ эмас. Айни пайтда хорижий мамлакатларда даромад (фойда) солиги – корхоналарнинг барча харажатларини чегирилганда тўланадиган

³⁹ Финансово-кредитный энциклопедический словарь / Колл.авторов; Под общ.ред. А.Г.Грязновой. – М., Финансы и статистика, 2002. стр. 628.

корпоратив солиқ 18 фоиздан 45 фоизгача бориб етади. МДХ мамлакатлари орасыда энг қуи ставка Ўзбекистонда – 15 фоиз. Башқа МДХ мамлакатларига назар ташлайдиган бўлсак, Россияда – 24 фоиз, Украинада – 30 фоиз, Венгрияда – 18 фоиз ва энг юқори ставка Германияда – 45 фоизни ташкил этади.

Республикамиз тўғри солиқлари таркибида сезиларли салмоқни эгаллайдиган солиқ турларидан бири бу кичик корхоналардан ундириладиган ягона солиқ ҳисобланади. Ушбу солиқ тури 2001 йилда тўғри солиқлар таркибида 5,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб бу кўрсаткич 5,7 фоизга тенг бўлди. Худди шу даврда давлат бюджетида ушбу солиқнинг салмоғи 1,9 фоиз бўлган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 1,7 фоиз бўлиши кутилоқда. Аммо, 2004 йилда бу кўрсаткич 3,3 фоизни ташкил қиласр эди. Бу солиқ турининг давлат бюджети таркибидаги салмоғининг 1,6 фоизга камайини ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес субъектларини ривожланишига қаратилган чора-тадбирларининг самарасидир. Таҳлил қилинаётган шу даврда, яъни 2000 йилда бу корхоналар томонидан ишлаб чиқариш ЯИМнинг 29,1 фоизини ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу 36 фоизга тенг бўлди. Бу солиқларнинг рағбатлантирувчилик нуқтаси низаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Тўғри солиқлар таркибида ер ва мол-мулк солиқларининг салмоғи 2000 йилга нисбатан 2005 йилда 3,5 пунктта камайган. Бундай ўзгаришнинг асосий ҳиссаси ер солигига тўғри келади. Бутунги кунда мамлакатимиз солиқ қонунчилигида ер солиғининг солиқла тортиш обьекти бўлиб, ер майдони ҳисобланади. Ер солиғини ҳисоблашда унинг рағбатлантирувчилик ролини оширишга қаратилган ҳисоб механизмини ишлаб чиқиш лозим.

Чунки, ер әгаси ердан қанча даромад олишидан қатын назар бир хил солиқ тұлайды. Бу ўз навбатида ердан фойдаланишта нисбатан қызықиши үйғотмаслиги ёки ерга нисбатан лоқайдлыкни көлтириб чиқаради. Фикримизча, ер солиғини ҳисоблашда ерларни үнүмдеңдік даражасыра қараб мәттүлүм бир қийматини ҳисоблаб чиқариш мақсадға мұвоғиқ. Бу бюджет даромадларида ер солиги суммасыни камайтиrmайтын ва ер майдонига зәға бўлган ишлаб чиқарувчиларда ерга бўлган муносабатни ўзгартиради.

Мол-мулк солиғи тұғри солиқлар ичида 2000 – 2005 йилларда 7 – 8 фойзни ташкил эттән. Бу солиқни мамлакатимизда жорий этишдан мақсад ишлаб чиқарувчиларни асосий фондлардан салар. Фойдаланушының рагбаттарынан Максалида жорий этилган. Аммо, бугунғи кунда республикамизда мавжуд бир қанча завод, фабрика ва ишлаб чиқариш корхоналарини келтиришимиз мумкинки, булар түлиқ ишлаб чиқарып қуввати билан ишламаяпты. Бу ўз навбатида мол – мулк солиги суммасига, бошқа бир қанча солиқ түшумларига ва корхоналарнинг молиявий ҳолатига ҳам салбий тәъсир күрсатмоқда.

Мол-мулк солиғининг яна бир алоҳида хусусиятли томони шундаки, корхонанинг ишләёттан ва ишламаёттан асосий воситаидан ундирилади. Бу корхонаниң тезда ишламаёттан асосий воситаардан құтулишта ундейди. Бу ўз навбатида корхонанинг молиявий ҳолатини яхшилайды ва маҳсулот таннархини камайтириб күпроқ фойда олиб келади.

Республикамизда тұғри солиқлар таркибида экология солиғи ҳам амалиётда құлланилади. 2000 – 2005 йиллар давомида тұғри солиқлар таркибида экология солиғи 6 – 7 фойзни ташкил этади. 2005 йилда 2000 йилга нисбатан 0,4 фоизга ўстанини күришимиз мумкин. Бу солиқ тури ишлаб чиқариш таннархига нисбатан 1

фоиз миқдорида ундирилади. 2002 – 2003 йилларда бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 1,0 – 2,1 фоизга ўсган. Бюджет даромадларидағи салмоги 2000 йилга нисбатан 2005 йилда 0,3 фоизга камайган. Энг юқори ўсиш суръати 2003 йилда, яъни бюджет даромадларининг 2,6 фоизини ташкил этган, бу 2000 йилга нисбатан 0,5 фоизга ўстанини кўрсатади.

Охирги йилларда ҳукумат томонидан ресурс солиқларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу ишлаб чиқаришда табиий ресурсларни тежаш ва улардан унумли фойдаланишни амалга ошириш мақсадида солиқ сиёсати орқали амалга оширилмоқда. Тўғри солиқлар таркибида ер остидан фойдаланиш солиги 2000 йилда 3,2 фоизга тенг бўлган бўлса, 2005 йилга келиб бу 23 фоиз бўлиши кутилмоқда. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда ҳам ер остидан фойдаланиш солиги 2000 йилда 1,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 7,1 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Бу олдинги йилга нисбатан 5,4 пунктта ўзгарганини кўрсатади. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиги 2000 йилга нисбатан 2005 йилда бюджет даромадларидағи салмоги 0,2 пунктта камайган.

Ўзбекистон Республикасида тўғри солиқларнинг ундирилшини, солиқ ставкалари, ва солиқча тортиш обьектлари дунё мамлакатлари билан солиштирганимизда катта тафовутлар кўзга ташланмайди. Лекин, солиқ тизимини имконият даражасида содда қилиб тузиш керакки, солиқ тўловчилар тўлаган солиқларини ҳисоб-китобини тушуниб, нима учун тўлаётганликларини ва бу тўловларни ўз вақтида амалга оширишга ҳаракат қиласилар.

Юқорида амалга оширилган иқтисодий-статистик тахлилларимиздан келиб чиқиб, тўғри солиқларни бюджет

Даромадларидағи салмоғини ошириш үшін солиқ тұловчилар учун такомиллашған солиқ тизимини шакллантириш юзасидан күйидаги илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиши мүмкін:

1. Давлат бюджети даромадларыда тұғри солиқтарни барқарор сақлаб түриш чора – тәдбірларини амалға ошириш. Бунда асосан тұғри солиқтарнинг ставкаларини пасайтириштің эңг қуийи погоналарыда турғанимизни инобатта олиб, корхоналарнинг тұловсизлик муаммоларини олдіни олиш;

2. Ер солигини ҳисоблашда ерларнинг қийматидан келиб чиқиб солиқ белгилаш мақсадға мувофиқдір. Бу ердан самарағы фойдаланишни ва давлат бюджетида ер солигининг түшумини күлдайшыпта олиб келади.

3. Экология солигини ҳисоблашда ва үндирішда корхоналарнинг табиат үшін атроф-мухитта етказадиган зарарини ҳисобға олиб, солиқ белгилаш адолатлы бұлади. Металлургия комбинатлари, нефт үшін газ саноатлари корхоналари атрофға бошқаларға нисбатан күпроқ зарар етказади, лекин солиқ ставкасы ва үндиріліш бир хилда кетаверади. Шу нүктән назардан уларнинг зараплантириш коэффициентларини белгилаб солиқ үндирілса, экология солиги суммаси ҳам бюджет даромадларыдағи суммаси ҳам ошади.

2.2. Эгри (бильвосита) солиқларнинг иқтисодий–статистик таҳжили

Эгри солиқлар солиқ тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Дастраб солиқ тизими вужудга келишида тўтири солиқлар шаклланиб, давлатнинг вазифалари кенгайиб боргандан кейин эгри солиқлар пайдо бўлди ва амалиётта киритилди.

Эгри солиқларнинг асосий вазифаси бу маблар йигиши, яъни фискал функцияни тўлиқ бажаради. Уларни солиқда тортиш амалиётига киритишдан мақсад ҳам шу эди. Лекин бозор жараёнлари ривожланиб борган сари эгри солиқлар фискал функция билан бир қаторда бошқа вазифаларни ҳам бажара бошлайди. Давлат иқтисодиётни тартибга солища ва ички миллий бозорни ривожлантиришда асосан эгри солиқларга таянади. Давлат бу солиқлар орқали мамлакат ҳудудига айrim товарларни кўпроқ олиб кириш ёки олиб чиқиш ва буни аксини ифодаловчи вазифаларни бажариши мумкин.

Бизга солиқ назариясидан маълумки, эгри солиқлар маҳсулот баҳосига ёки хизмат таърифига устама шаклида кўйилиб олинадиган солиқдир. Эгри солиқлар солиқ тўловчининг молиявий фаолиятига, даромадига ёки мол-мулкига таъсир этмайди ва тўловчиларга солиқ юки тушмайди. Солиқ юки эгри солиқ ўрнатилган товарлар (иш, хизмат)ни истеъмол қилувчиларга тушади.

Ҳозирги солиққа оид назарияларга кўра эгри солиқлар таркибига асосан учта солиқ тури киритилади: қўшилган қиймат солиги, акциз солиги ва божхона божлари. Республикамиз солиқ қонунчилигига ҳам эгри солиқлар таркибида юқоридаги солиқлар киритилади.

Эгри солиқлар бугунги кунда давлат бюджетини шакллантираётган асосий солиқлар ҳисобланади. Күпчилик бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатлarda эгри солиқлар узоқ вақт фискал функцияни бажаради. Ривожланган давлатларнинг солиқ амалиётини кузатсак, бюджет даромадларида эгри солиқлар салмоғи паст даражада. Ривожланаётган давлатлар билан ривожланган давлатлар бюджет даромадлари таркибини ўргансак, ривожланаётган давлатларда бюджет даромадлари таркибида эгри солиқлар салмоғи биринчи ўринни эгалласа, ривожланган давлатларда бюджет даромадлари таркибида тўғри солиқлар биринчи ўринни эгаллади. Республикамиз ҳам ривожланаётган давлат ҳисобланганлиги бөйс эгри солиқлар давлат бюджетида етакчи ўринни эгаллади. Қуйидаги жадвалда эгри солиқларни давлат бюджети даромадларидағи салмоғини кўриб ўтамиз.

15 – жадвал

Эгри солиқларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларидағи ўрни⁴⁰


Курслакчилар	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2005 йилда 2000 йилга нисбатан узгариши, пункт
Давлат бюджети даромадлари – жами	100	100	100	100	100	100	X
Эгри солиқлар (%)	56,7	51,8	54,6	59,2	58,5	49,2	-7,5

Жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, эгри солиқлар давлат бюджети даромадларида 2000 йилда 56,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу курслакчи 49,2 фоиз бўлиши кутилмоқда. Бу 2000 йилга нисбатан 2005 йилда 7,5 пунктика

⁴⁰ www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

камайганини күрсатади. Эгри солиқлар 2003 йилда давлат бюджети даромадларидағи салмоғи 59,2 фоизни ташкил эттән. Бу охирги йиллардагы әңг катта күрсаткыч ҳисобланади.

Эгри солиқлар бюджет даромадларыда юқориилиги бу түгри солиқларни пастлигини ифодалайды ва ишлаб чиқарувчиларга солиқлардан катта имтиёз борлиғини ҳам күрсатади. Чунки, солиқ тизими таркиби иккى гурұға бўлинниб, эгри ва түгри солиқларни ташкил этади. Бирининг ставкасини пасайтириш билан иккинчисининг ставкаси оширилади. Демак, түгри солиқлар ставкалари имконият даражасида пасайтирилиб, асосий йўналиш эгри солиқларга берилмоқда.



2 – расм. Эгри солиқларниң давлат бюджети даромадларидағи салмоғи ўсийш (камайиш) суръати.

Лекин, охирги йилларда давлат бюджети даромадларыда эгри солиқлар салмоғи пасайиб бормоқда. Эгри солиқлар салмоғининг пасайиш сабабларини ва бу пасайишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун эгри солиқлар таркибини таұлил қилиш лозим. Бунда қайси солиқларда асосан пасайиш кузатилған ва бунга қандай омиллар таъсир этишини аниқлаш керак бўлади.

Республикамиз давлат бюджети даромадлари таркибида эгри солиқлар пасайиш динамикасига эга эканлигини күрдик. Энди шу камайиш қайси солиқлар ҳисобига амалга ошганлигини аниқлаш учун уларнинг таркибини ўрганиб чиқамиз.

16 – жадвал

Ўзбекистон Республикасида эгри солиқларнинг таркиби ва улуси⁴¹

Курсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2005 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгарыш, пункт
Эгри солиқлар	100	100	100	100	100	100	X
Қўшилган қиймат солиги	53,0	49,0	44,1	47,0	39,4	46,0	-7
Акциз солиги	41,5	46,1	48,2	44,6	49,0	42,6	+1,1
Демалюлар	2,0	2,7	2,9	3,2	3,9	4,0	+1,4
Товар олиб киргандиллари учун жисмоний шахслардан олийнадиган йиғим	2,9	2,2	2,4	2,3	4,6	3,5	+0,6
Жисмоний шахсларнинг бензин, дизель ёқалисий ва газ истеъмол қиlgанликлари учун солик	—	—	2,4	2,9	3,1	3,9	+3,9

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, эгри солиқлар таркибида асосий ўринни қўшилган қиймат солиги эгалламоқда. Бу курсаткич 2000 йилда эгри солиқлар таркибида 53 фойизни ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб, 46 фойизни ташкил этиши куттилмоқда. 2005 йилда 2000 йилга нисбатан 7 пункта камайган. Гарчи, қўшилган қиймат солигининг ставкаси таҳлил қилинаёттан даврда ўзгармаган бўлса-да, ўсиш ва камайиш тенденциясига эга.

Эгри солиқлар таркибига кирувчи қўшилган қиймат солиги тўғрисида тўхталашиб бўлсан, қўшилган қиймат солиги аслида

⁴¹ www.mfu.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

қўшилган қийматдан, яъни янги яратилган қийматдан олинади. Аммо, бугунги кунда қўшилган қиймат тушунчаси айрим иқтисодчилар, ва солиқчилар томонидан бирмунча нотўғри талқин қилинмоқда. Мамлакатимиз солиқ қонунчилигига шундай ҳолатлар учрамоқдаки, қўшилган қиймат солиғи қўшилган қийматдан эмас, балки бутун оборотдан олинмоқда. Бу ўз навбатида солиқ ҳисоб-китобларида ва тўловчилар учун бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқдаки, бу масала солиқ тизмининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Қўшилган қиймат солигининг ватани Франция ҳисобланади. ҚҚС бозор иқтисодиётига эга бўлган кўргина давлатларда муваффақиятли қўлланилади. Гарбий Европа малакатрининг солиқ тизимларида ҚҚС 60—йилларнинг охири ва 70—йилларнинг бошида киритилди ва ҳозирги вақтда истеъмол учун асосий солиқ ҳисобланади. 1992 йилдан бошлаб мазкур солиқ МДХнинг барча мамлакатларида амалга киритилди. Ўзбекистонда солиқнинг бу тури 1991 йилдан бошлаб қўлланимоқда.


Қўшилган қиймат тушунчаси — бу маълум қийматдаги товар (иш, хизмат)га янгидан ишлов бериш натижасида, янги яратилган қийматдир. Масадан, корхона 100 сўмлик товарни сотиб олиб қайта ишлашга киритди ва 300 сўмлик маҳсулот яратди. Бу ерда янги қўшилган қиймат 200 сўмни ташкил этади. Мана шу янгидан яратилган қийматдан давлат солиқ ундиради. Бу қўшилган қиймат солиғи тушунчасини келтириб чиқаради. Республика миқёсида қўшилган қийматлар йиғиндиси Ялли ички маҳсулотни беради. Яъни:

$$\text{ЯИМ} = \Sigma K_k$$

Статистика амалиётида ЯИМни ҳисоблашнинг бир нечта усуллари мавжуд. Юқорида айттанимиздек, мана шу қўшилган қийматлардан олинадиган солиқ қўшилган қиймат солиғидир.

Солиқ Кодексининг 65 – модасида қўшилган қиймат солиғи товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажарилгани хизматлар кўрсатиш), уларни реализация қилиш хамда Ўзбекистон Республикасига товарлар (ишлар) хизматларни импорт қилиш жараёнида қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетга ажратишдир, деб кўрсатилган. Аммо солиқча тортиш амалиётида шундай ҳоллар учрайдики, қўшилган қиймат солиғи қўшилган қийматдан эмас, балки бутун оборотдан олинади. Масалан, ягона ер солиғи тулайдиган қашлоқ хужалик товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, ялпи тушумга солиқ тўлайдиган савдо корхоналари ва ягона солиқ тўловчи кичик корхоналар. Қўшилган қиймат солиғида юридик шахслар маҳсулот соттанда солиқни йифувчи ва маҳсулот сотиб олганда солиқ тўловчи ҳисобланади. Қўшилган қиймат солиғи эгри солиқ бўлганлиги учун корхоналар ушбу солиқни йигиб берувчи ҳисобланади. Солиқни тўловчилар ҳуқуқий томондан корхоналар бўлса да, ҳақиқий тўловчилари товар сотиб олувчилар, яъни истеъмолчилардир.

Қўйидаги дираграммада эгри солиқлар таркибини янада яққолроқ кўришимиз мумкин.



7 – Диаграмма. Эгри соликларнинг таркиби ва ўсиши.


Кўшилган қиймат солиги суммаси бевосита давлатда ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) нинг суммасига боғлиқдир. Аммо, бир нарсани ҳисобга олиш лозимки, солик тизимини умумий бир саватта ўхшатсақ, айрим солик тури камайиши билан бошқа бири кўпайиши мумкин.

Эгри соликлар таркибida иккинчи ўринни акциз солиги эгаллади. Акциз (акциз солиги; лотинча accidere – кесиб ташлаш) – бу айрим товарларнинг нархига ёки тарифига киритиладиган ва харидор томонидан тўланадиган, муайян товарларни ишлаб чиқариш ёки сотиш учун эгри соликдир.

Акциз Англияда парламент томонидан киритилган эди. Акциз солиги ундирилган дастлабки предметлар сафида туз, иссиқ ичимликлар, гўшт, нон, ун бўлган. Ушбу солик тури Ўзбекистон Республикасида 1997 йилдан амалга киритилди.

Ушбу солик тури 2002 – 2004 йилларда эгри соликларнинг қарийиб 50 фоизига яқинини шакллантирган. 2000 йилда акциз солиги эгри соликлар таркибida 41,5 фоизни ташкил этган бўлса,


2005 йилда бу 42,6 фойзни ташкил этган ёки 1,1 пунктта кўпайтган.



8. Иккагинан 2000 йилдан эрги солидарларини таркиби (фото).

Бож тўловлари ҳам эгри солиқлар таркибида салмоқли ўринни згаллади. Бу кўрсаткич охирги йилларда юқори суръатларда ўсиб бормоқда. Бож тўловларини ўсиш суръати асосан ташқи савдо масалаларига бўриб тақалади. Чунки, экспорт-импорт операциялари қанча ривожланса, бюджет даромадларида бож тўловлари шунчча ошиб боради. Бож тўловлари 2000 йилда эгри солиқлар таркибида 2,6 фойзни ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу 4,0 фойзни ташкил этиши кутилмоқда ёки 1,4 пунктта ошганини кўришимиз мумкин.

2002 йил 1 январдан бошлаб амалиётта киритилган жисмоний шахсларнинг бензин, дизель ёқилгиси ва газ истеъмол қилганликлари учун солиги тез вақтда ўзини оқлади ва тушумлари ортиб борди. Ушбу солиқ тури жорий этилган вақтда эгри солиқларни 2,4 фойзини шакллантирган бўлса, 2005 йилга келиб бу кўрсаткич 3,9 фойзни ташкил этди.



9 – диаграмма. 2005 йилда эгри солиқларнинг таркиби (фоизда).

Эгри солиқлар таркибида қўшилган қиймат солиги ва акциз солиқлар асосий ўринни эгалламоқда. Бошқа солиқлар кам салмоққа эга бўлса-да, уларнинг йиллар давомида ўсиш суръати юқори.

Эгри солиқлар бюджет даромадларини шакллантиришда асосий солиқлардан ҳисобланади. Бюджет даромадлари таркибида энг юқори солиқ тушумлари ушбу солиқлардан ташкил топади. Эгри солиқларнинг асосий солиқлари ҳисобланган қўшилган қиймат солиги ва акциз солиги давлат бюджети даромадларини асосий қисмини шакллантиради. Давлат бюджети даромадларининг 50% фоиздан ортиғини шу иккала солиқ ташкил этмоқда. Демак, эгри солиқлар таркибини ўрганиш ва уларни статистик таҳлил қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Куйидаги жадвалда эгри солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли ва ўрнини кўриб ўтамиз.

**Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини шакллантиришда
эгри солиқларнинг ўрини ва роли⁴²**


Курсларнинг	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Давлат бюджети даромадлари – жами	100	100	100	100	100	100
Эгри солиқлар	56,7	51,8	59,2	59,2	58,5	49,2
Кўшилган қиймат солиги	26,8	26,3	28,3	27,8	23,1	22,6
Акциз солиги	27,4	24,0	26,7	26,5	28,7	20,9
Боз тўловлари	1,2	1,4	1,5	1,9	2,3	2,1
Товар олиб кирганликлари учун жисмоний шахслардан олинадиган қиймим	1,3	1,1	1,5	1,3	2,6	1,7
Жисмоний шахсларнинг бензин, дизель ёқилгиси ва газ истеъмол қилганликлари учун солик	–	–	1,2	1,7	1,8	1,9

Жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, эгри солиқлар давлат бюджети даромадларини 60 фоизга яқинини шакллантироқда. Бунда асосий ўринни 2000 йилда акциз солиги эгаллаган бўлса, 2001 – 2003 йилларда қўшилган қиймат солиги етакчи ўринни эгаллаган. 2004 йилда акциз солиги бюджет даромадларини 28,7 фоизини ташкил этган. Бу вақтда қўшилган қиймат солиги давлат бюджети даромадларини 23,1 фоизини ташкил этган. 2005 йилда давлат бюджети даромадларини 22,6 фоизи қўшилган қиймат солигига тўғри келмоқда. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 2000 йилда 26,8 фоизни ташкил этган эди. Акциз солиги эса 2005 йилда давлат бюджети даромадларида 20,9 фоиз бўлиши кутилмоқда. 2000 йилда эса, бу кўрсаткич 27,4 фоизни ташкил этган эди.

Республикамизда акциз солиги ставкалари 5 фоиздан 77 фоизгача оралиқда тебранади. Бундан ташқари, айrim товар турлари бўйича акциз солигининг ставкалари маҳсулот бирлигига

⁴² www.mfuz.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

нисбатан юқори бўлган спиртли ичимликлар учун акциз солигининг ставкаси 1 литр учун 2600 сўм қилиб белгиланган. Айрим аҳоли учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари учун акциз солигининг ставкалари юқори даражада белгиланганлиги акцизларнинг фискалдик аҳамиятини мамлакатимизда юқори эканлигини кўрсатади.



10 – диаграмма. Ўзбекистон Республикасида эгри соликларнинг давлат бюджети даромадларидаги саломорининг ўсиши.

Эгри соликларнинг асосийларидан ҳисобланган кўшилган киймат солиги 42 давлат сомиқ тизимиning ҳал қилувчи соликларидан ҳисобланади. Шундан 17 таси Европа мамлакатлари ҳисобланади.

Кўшилган киймат солигининг ставкаларига тўхталсак, кўпчилик мамлакатларда ушбу соликнинг ставкаси табақалаштирилган бўлиб, бизнинг республикамизга қараганда катта тафовутлар кўзга ташланмайди. Масалан, Буюк Британияда учта ставка — 0; 8; 17,5 фоиз, Италияда бештата ставка — имтиёзли 2 фоиз ва асосий — 9 фоизли ставкалар амал қиласди.

Германияда эса иккита ставка, имтиёзли – 7 фоиз ва стандарт – 15 фоиз, Францияда 2,1; 4; 5,5; 18,6 ва 22 фоизли ставкалар амал қилади.

Марказий ва Фарбий Европа давлатларида эгри солиқларнинг бюджет даромадларидағи салмоғи бизнинг давлатимиз бюджет даромадларидағи салмоғидан тафовут унчалик катта әмас. Қуйидаги жадвалда ушбу кўрсаткичларни кўриб чиқамиз.

18 – жадвал

Марказий ва Фарбий Европа давлатларида эгри солиқларнинг бюджет даромадларидағи салмоғи⁴³

Критерий	Бюджет		Декабрь		Бюджет		Декабрь	
	1993	2000	1990	2000	1992	2000	1999	1999
Даромадлар – жами	100	100	100	100	100	100	100	100
ККС	11,9	38,4	22,9	30,1	–	–	35	1,5
Акциз солиги	15,6	14,9	16,9	14,6	33	60,2	18,4	11,9
								12,4

Жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, айrim давлатларда кўшилган қиймат солиги бюджет даромадларида юқори ўринни эгалласа, айrim давлатларда акциз солиги юқори ўринни эгалламоқда. Айниқса, кўшилган қиймат солиги Болгария, Венгрия ва Руминияда бюджет даромадларидағи салмоғи катта. Акциз солиги эса, Польша ва Чехияда катта улушга эга. Бизнинг республикамиз давлат бюджети даромадларида кўшилган қиймат ва акциз солиқларининг салмоғи бу давлатлар кўрсаткичларидан катта фарқ қилмайди.

Олиб борган таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, эгри солиқларнинг бюджет даромадларидағи салмоғи уларнинг Ўзбекистонда амал қилиб турган ставкалари ривожланган

⁴³ Финансово-кредитный энциклопедический словарь / Колл.авторов; Под общ.ред. А.Г.Грязновой. – М., Финансы и статистика, 2002. стр. - 628.

давлатларнинг кўрсаткичларига қараганда катта тафовутлар кўзга ташланмайди.

Юқорида амалга оширилган иқтисодий-статистик таждилларимиздан келиб чиқиб эгри солиқларни бюджет даромадларидағи салмоғини ошириш ва солиқ тўловчилик учун тақомиллашган солиқ тизимини шакллантириш юзасидан қуийидаги илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш мумкин:

1. Мамлакатимиз бюджети даромадларида эгри солиқларнинг салмоғини ошириш ва айниқса, қўшилган қиймат ва акциз солиқларини бюджет даромадларидағи барқарорлигини таъминлаш;

2. Қўшилган қиймат солигини ундиришда солиқни оддиндан ундириш ҳолатларини йўқ қилиш. Буни шундай изоҳлаш мумкинки, қўшилган қиймат солигида солиқни бюджетта тўланиши, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан один тўғри келмоқда. Бу ўз навбатида корхонанинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Корхонанинг инвестицион фоалиятини қисқартиради. Яъни, соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, йўқ даромад учун солиқ олинмоқда.

2.3. Ўзбекистон иқтисодиётда солиқ юки ва унинг иқтисодий-статистик таҳдили

Бугунги кунда миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий вазифаларидан бири, бу ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва шунинг негизида хусусий секторнинг улушкини оширишдир. Бу масалани ечишда асосий эътиборни иқтисодиётта давлатнинг аралашувини камайтиришга, яъни солиқ юкини камайтиришга қартиш лозим. Солиқ юкини камайтириш учун эса аввало, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва корхоналарида солиқ юкининг қай даражада эканлигини аниқлаш талаб қилинади.

Солиқлар ҳар бир давлат учун муҳим молиявий мансаб бўлиб, бюджетни шакллантиришда ва иқтисодиётни тартибга солищда муҳим вазифаларни бажаради. Дунёнинг барча мамлакатларида солиқлар давлат бюджети даромадларининг манбай ҳисобланади. Ривожланган давлатларда, хусусан, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия ва Канадада солиқлар давлат бюджети даромадларининг 90 фойзгача, АҚШда эса 70 фойиздан ортиқ қисмини ташкил этади. Жумладан, бизнинг республикамиз давлат бюджети даромадларининг 90 фойиздан ортиқ қисми ҳам солиқ тушумларидан ташкил топади.

Солиқ тушумларининг даражаси нафақат ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида юзага келади, балки солиқ тизимидан самарали фойдаланишга ва унинг ўз вазифаларини қандай бажаришига ҳам боғлиқ бўлади. Бу функцияларнинг таъсири ҳақида мамлакат иқтисодиётидаги солиқ юки орқали мулоҳаза қилиш мумкин.

Мамлакат иқтисодиётидаги солиқ юки давлат солиқ сиёсатининг натижаси бўлиб, ҳар қандай солиқ тизимининг

сифат тавсифини кўрсатади. Шу билан бирга олинаёттан солиқлар даражаси, бир томондан, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, бошқа томондан эса, давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжи миқдори билан белгиланади. Шу сабабли солиқ юкини оғирлигини камайтириш, биринчи навбатда, давлат харажатларини қисқартириш билан боғлиқдир.

Жамият аъзоларига солиқ оғирлигининг тақсимланиш даражасини тавеифлаб айтиш мумкинки, ишлаб чиқаришдаги аксарият солиқлар, хусусан, эгри солиқлар товар таниархи таркибиغا киритилади ва пировард натижада истеъмолчига тушади. Аҳоли жон бошига солиқ юкини аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадга нисбатан аниқлаш мумкин.

Солиқ юкини ЯИМдаги солиқ улуши сифатида ҳисоблаш методологияси жуда оддий ва тушунарлидир. Шунинг учун у чет мамлакатларда кенг қўлланилади. Айни пайтда, бу услубиёт турли ишлаб чиқариш тармоқларига ва иқтисодиётнинг турли секторларига мансуб бўлган корхоналар учун уни таққослаб, микродаражадаги солиқ юки даражасини тадқиқ этиш имконини бермайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси юридик шахсларга солиқ юкини ҳисоблаш методологиясини тавсия этган. Ўнда солиқ юки барча ҳисобланган солиқлар, йигимлар ва бошқа мажбурий тўловлар, бюджетдан ташқари фондларга тўловларнинг ҳисобга олинган суммаси, маҳсулот сотиш ҳажмига ва бошқа сотув тушумини ўз ичига олган нисбат орқали аниқланади.

Корхоналарда барча солиқ тўловларини тўлаш манбаи бу – қўшилган қиймат ҳисобланади. Солиқларни ундиришнинг турли

усуллари бир мақсадни, яъни қўшилган қийматнинг бир қисмини олишни назарда тутади. Мамлакат миқёсида қўшилган қийматлар йиғиндиси ЯИМни беради.

Мъълумки, давлат ЯИМнинг бир қисмини мажбурий тўлов сифатида олиб қўйиши соликларнинг иқтисодий моҳиятини ташкил этади. Қўйидаги жадвал мъълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, солик юки ЯИМга нисбатан 1991 йилда 49,1 фойздан 2004 йилда 22,6 фойзгача тушиди.

19 – жадвал

**Ўзбекистон Республикасида солик юки⁴⁴
(ЯИМга нисбатан фоизларда)**


Йиллар	Солик юки (фоизларда нисбатан)
1991	49,1
1992	31,6
1993	36,0
1994	29,2
1995	29,8
1996	34,3
1997	30,0
1998	31,0
1999	29,3
2000	28,0
2001	25,7
2002	25,0
2003	23,8
2004	22,6

Бу пасайишни икки йўналишдаги талқин билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, республикамизда олиб борилаётган солик ставкаларини пасайтириш сиёсати билан изоҳласа бўлади. Яъни, давлат камроқ даромадни олиб, кўпроқ даромадни солик тўловчилар ихтиёрида қолдириб, уларнинг ривожланишига шароит яратиб бермоқда.

Иккинчидан, бу ҳолатни яратилган ЯИМ камайиб кеттани билан таъкидласа бўлади. Иккинчи ҳолатни албатта мамлакат

⁴⁴ Узбекистон Республикаси Иқтисодийт Вазирлиги мъълумотлари асосида ҳисобланган.

иқтисодиёти учун салбий ҳолат деб қараш мумкин. Аммо бизнинг республикамизда, 1996 йилдан ЯИМ доимий ўсиш суръатига эга. Айниқса, 2004 йилда бу кўрсаткич 7,7 фоизга ўди. Шу нарсанни эътиборга олиш дозимки, солиқ юкининг ЯИМга нисбатан камайинши бу давлатнинг иқтисодиётга аралашуви камайди дегани эмас. Бу бир томонлама қараш. Чунки, давлат миқёсида бир қанча солиқлар ҳисобланиб, ундирилмасдан қолиб кетади. Яъни, боқимандалик суръати ҳам ўғсан бўлиши мумкин. Бу кўрсаткични ҳисобга олмасдан солиқ юкини аниқланаш, мамлакат **миллий солиқ тизими** тўгрисида хотүгри хулоса чиқаришта олиб келади.



3 – расм. Ўзбекистон Республикасида солиқ юки
(ЯИМга нисбатан фоизларда).

Солиқ юки 1991 йилда ЯИМга нисбатан 49,1 фоизни ташкил этган. 1992 йилда эса бу кўрсаткич 31,6 фоизгача тушган. 1993 йилда бу кўрсаткичда бироз ўсиш суръати кузатилган. 1998 йилдан бери солиқ юки мамлакат миқёсида пасайинш суръатига эга. Бу сиёsat натижасида мамлакатда барқарор иқтисодий ўсиш

кузатилмоқда ва биз буни бевосита еқилона солиқ сиёсатининг натижаси дейишша җақлымиз.

2004 йилда ЯИМга нисбатан солиқ юки күрсаткичи мамлакатимизда 22,6 фойзни ташкил этган бўлса, бу ривожланган давлатлар кўрсаткичларига яқин келади ва улардан паст даражада ҳам дейишимиш мумкин. Дунёning ривожланган давлатларида ЯИМга нисбатан солиқ юки 30 фойз атрофида тебранади. Яъни, ривожланган давлатлар ишлаб чиқарган маҳсулотини учдан бир қисмини солиқлар қайта тақсимлаб давлат бюджетига туширади. Бизнинг республикамизда солиқлар ЯИМнинг бешдан бир қисмини қайта тақсимлаб давлат бўйжониша тулиғимоқда. Ва унда бу 1991 йилда иккисан бир қисмини ташкил этар эди.

Ривожланган давлатларда солиқларнинг ЯИМдаги улушкини қуийдаги жадвалда кўриб ўтамиш.

20 – жадвал

**Ривожланган давлатларда солиқларнинг ЯИМдаги улушки⁴⁵
(ЯИМга нисбатан фоизларда)**

Давлатлар	Жами хизмет тумумлари	Двухмалий		Инвестиционни еътириш фоизлари аҳкоратчилар	Тобеъетчи ва хизмат ларга соиличчи	Вонка солиқ тар
		жис- моний шахедлар	хумумий шахедлар			
АҚШ	28,5	10,7	2,7	6,7	4,9	3,4
Канада	36,8	13,9	3,3	5,9	9,2	4,6
Буюк Британия	36,0	9,3	3,8	6,0	12,7	4,2
Франция	45,7	6,4	1,7	18,1	12,5	6,9
Германия	38,1	9,4	1,4	14,5	10,6	2,1
Италия	43,2	10,8	4,0	13,2	11,2	4,0
Япония	28,4	5,7	4,7	9,3	4,4	4,3

⁴⁵ Финансово-кредитный энциклопедический словарь / Колл. авторов; Под общ. ред. А. Г. Грязновой. – М.; Финансы и статистика, 2002, стр. - 623.

Ривожланган давлатларда солиқлар ЯИМнинг ўртача 30 – 35 фоизини ташкил этади. Юқорида таъқидлаганимиздек, ЯИМнинг таркибида солиқларнинг улуши мамлакатдаги солиқ юкини белгилаб беради. Жадвал матьумотларидан кўриниб турибдики, ЯИМ таркибида тўғри солиқлар яъни даромад солиқлари асосий ўринни эгалламоқда. Эгри солиқлар улуши эса паст даражада. Ўзбекистон Республикасида эса, бунинг аксини кўришимиз мумкин. Чунки, бозор муносабатларига ўтиш шароитида эгри солиқлар кўпроқ фискал функцияни бажаришади ва бу давлат учун зарурдир. Ишлаб чиқарувчилар нуқтаи назаридан келиб чиқсак ҳам бу фикр ўринилди. Лекин, солиқ юкиниг асосий қисми бориб аҳоли зиммасига тушмоқда. Чунки, маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг охириги истеъмолчиси бу жисмоний шахслар ҳисобланади. Эгри солиқларнинг ҳақиқий тўловчиси ҳам маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг истеъмолчиси ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, жисмоний шахслар ўзлари тўлайдиган солиқлар ва эгри солиқларни ҳам тўлайдилар. Бундан ташқари юридик шахслар тўлайдиган айрим солиқ турлари ҳам мавжудки, булар маҳсулот таннархига киритилади. Маҳсулот таннархига киритилган солиқ тўловлари ҳам бориб жисмоний шахслар зиммасига тушади. Демак, жисмоний шахслар зиммасидаги солиқ юкини ҳисоблашда бу кўрсаткичларни йигиндисини олиб аҳоли сонига бўлиши орқали ҳисобланса, тўғри ва аниқ солиқ юки келиб чиқади.

Юқоридаги фикрларимизни давлатимиз бюджет даромадлари мисолида кўриб чиқишимиз мумкин. Бюджет даромадлари кўрсаткичларидан эгри солиқларни, жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларни, юридик шахслар томонидан маҳсулот (иш, хизмат) лар таркибига киритиладиган мол-мулк ва

ер солиқларини олиб йигиндисини олганимизда жисмоний шахслар зиммасидаги умумий солиқ юки келиб чиқади ёки улар бюджет даромадларини қанча қисмини шакллантиришини күришимиз мүмкін.

Күйидеги жадвалда Узбекистон Республикасининг 2003—2005 йиллардаги бюджет даромадлари режасидан олинган жисмоний шахсларниң бевосита ва билвосита тұлайдыған солиқларини күришимиз мүмкін.

21—жадвал

Узбекистон Республикасида жисмоний шахслар бевосита ва билвосита тұлайдыған солиқлари ва уларнинг бюджет даромадларидаги салмоғи⁴⁶

Күрсаткыштар	2003 шыл		2004 шыл		2005 шыл (прог.)	
	Мәндер	%	Мәндер	%	Мәндер	%
1 Жисмоний шахслардан үндирілдігандаромада солиғи	303 000,0	13,1	334203	12,7	465641	9,8
2 Гадибкорлик б—и шуғ. жис. шалдардан үнд. даромад солиғи	46 400,0	2,0	36427,5	1,4	43143,7	0,9
3 ККС	642 700,0	27,8	604270	23,1	748938	15,8
4 Акциз солиғи	610 600,0	26,4	751567,3	28,7	692629	14,6
5 Божкона болжлари	44 300,0	1,9	60745,6	2,3	66139,8	1,4
6 Жисмоний шахслардан ягона божи тұловлари	30 000,0	1,3	68151,6	2,6	56869,3	1,2
7 Жисмоний шахслар транспорт воситаларидан бензин, дизель өкілдіктерінде суюлтырылған газ иштеймөлі учун солиқ	39 900,0	1,7	48209,6	1,8	63333,3	1,3
8 Мулк солиғи	52 500,0	2,3	74316,6	2,8	109065	2,3
9 Ер солиғи	60 500,0	2,6	75166,9	2,9	87411,9	1,8
10 Экология солиғи	63 600,0	2,8	54176	2,1	86128	1,8
11 Жисмоний шахслар тұлайдыған жами солиқ сумаасы	1863500	60,4	2108234,1	59,3	2419296	51,2
12 Жами даромадтар	3 087 328,1	100	3557697	100	4730987	100

* Ушбу солиқ түрүннинг жами бюджет даромадларындағы үлүші

Жадвал маълумотларига әзітібор қаратадыған бұлсак, 2003 йилда жисмоний шахслар тұлайдыған солиқлар бюджет даромадларини 60,4 фоизини ташкил этгандың бўлса, 2005 йилга келиб бўй кўрсаткич 51,2 фоизни ташкил этяпти. Ўз-ўзидан

⁴⁶ www.infuz - Узбекистон Республикаси Молия Вазириллиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланған.

кўриниб турибдики, жисмоний шахслар зиммасидаги солиқ юки йилдан – йилга камайиб бормоқда.

Аҳоли зиммасидаги солиқ юқини аниқроқ таҳлил қиласак, жисмоний шахслар тўлайдиган барча солиқларни аҳолининг йиллик ўртacha сонига бўлсак, **аҳоли жон бошига тўғри келадиган солиқ суммаси** келиб чиқади. Бу ҳар бир кишига тўғри келадиган ўртacha солиқ суммасини белгилаб беради. Иқтисодий адабиётларда ва амалиётда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ кўрсаткичи ҳисобланади. Солиқлар ЯИМнинг бир қисмини тақсимлаб бюджетта туширади. Демак, бу икки иқтисодий категория ўргасида узвий боғлиқлик мавжуд. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, аҳоли жон бошига тўғри келадиган солиқ суммасини ҳисоблаш ҳам иқтисодий мазмунга эга бўлган кўсаткичдир.

21 – жадвал маълумотларидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган солиқ суммасини ҳисоблашимиз мумкин.

22 – жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртacha йиллик солиқ суммаси, сўм⁴⁷

Кўрсаткичлар	2003 йил	2004 йил	2005 йил (проц.)
1 Жисмоний шахслар тўлайдиган ҳами солиқ суммаси, млн.сўм	1803300	2106234,1	2419299
2 Ўртacha йиллик аҳоли сони, млн.кешни	25,7	25,9	26,2
3 Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртacha йиллик солиқ суммаси, сўм	72509,7	81399,0	92339,7

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртacha йиллик солиқ суммаси йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу кўрсаткич 2003 йилда 72509,7 сўмни ташкил этган бўлса, 2005

⁴⁷ www.mf.uz - www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Давлат Статистика кўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

йилга келиб 92339,7 сүмни таникил эттан ёки 2005-йилда 2003-йилга нисбатан 27 фойзгэ ошганини күришимиз мүмкүн. Бу ийлдэн-ийлга ахоли зиммасидаги солиқ юкини ошиб бораёттандырып күрсатади.

Юқорида амалга оширилган иқтисодий-статистик таҳлилларымыздан келиб чиқиб, солиқ юкини мамлакат иқтисодиетига таъсирини камайтириш юзасидан қуидаги илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш мүмкүн:

1. Солиқ юкини босқычма-босқыч пасайтиришни давом эттириш ва унинг энг оптималь чегарасини аниқлаш;
2. Нотекис тақсимланган солиқ юкини юридик ва жисмоний шахсларга солиқ суммаларини ахволидан келиб чиқиб, жисмоний шахсларга солиқ суммаларини вақтингча камайтириши.

2.4. Бозор муносабатлари шароитида солиқ түшүмларига таъсир этувчи омиллар ва уларни таҳлил қилиш усуллари

Бозор муносабатлари шароитида солиқ түшүмларига таъсир этувчи омилларни ўрганиниң ва уларни статистик таҳлил қилиб керакли хуносаларни чиқариш давлат нүктай назаридан ҳам, корхона нүктай назаридан ҳам объектив долзарб масалалардан ҳисобланади.

Солиқларни ва унга таъсир этувчи омилларни икки йүналишда статистик таҳлил қилиш мүмкін, яғни макроиқтисодий ва микроиқтисодий даражада. Ёки сөддароқ қилиб айтадиган бўлсак, давлат нүктай назаридан ва корхона нүктай назаридан иқтисодий-статистик таҳлил қилишимиз мүмкін.

Солиқларни макроиқтисодий даражада статистик таҳлил қилишда статистика ва макроиқтисодий статистика усулларидан кенг фойдаланилади. Уларни макроиқтисодий даражада таҳлил қилишининг аҳамиятли томони шундаки, давлат бюджетини тузишда, режалаштиришда, давлатнинг қатор функцияларини бажаришда ушбу таҳлиллар асосида иш кўрилади. Статистик таҳлиллар барча солиқлар устида олиб борилади. Уларнинг динамикаси, солиқларни бюджет ва ялпи ички маҳсулотдаги салмоқлари ўрганилади. Албатта булар солиқ статистикаси кўрсаткичлар тизимидағи кўрсаткичлар асосида ўрганилади. Солиқларни динамика қаторларида таҳлил қиладиган бўлсак, айрим кўрсаткичларда мунтазам ўсиш кузатилса, айримларида пасайиш ва ривожланиши кузатилмоқда. Давлат бюджетида тўғри солиқлар ҳиссаси камайиши билан эгри солиқлар салмоғи ошиб бормоқда. Тўғри солиқлар камайишига асосан уларни ставкалари ўз таъсирини кўрсатган. Чунки юридик шахсларнинг даромад

солиги ставкаси 1995 йилда 38 фоизга тенг бўлган бўлса, 2002 йилда 24 фоиз қилиб белгиланган, ёки 14 пунктга камайтирилган. 2005 йилда юридик шахслар даромад солиги ставкаси 15 фоиз қилиб белгиланди. Тўғри соликларни иккинчи бир муҳим йўналиши жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигидир. Бу солик ставкалари ҳам мунтазам, равишда тақомиллаштирилмоқда. 1998 йилда бу солик турига 45 фоизлик энг юқори ставка қўлланган бўлса, 2001 йилдаги 36 фоизлик ставкани 2004 йилда 31 фоизгача пасайтирилиши ва унинг натижасида уларни бюджетдаги салмоғи ортганлигини кўриш мумкин. Бу натижалар асосида шундай дейиш мумкинки, бу ~~хўрса~~ солик ставкалари олди. А.Леффер этири чизигин исботлаб берди. А.Леффернинг фикрича, солик тушумлари солик ставкалари билан узвий боғликлар. Яъни, солик ставкалари қанчалик меъёрга келтирилса, солик тушумлари ортиб боради. Республикализминг соликка тортиш тизимида ҳам шундай ҳолат кузатилмоқда. Бу асосан тўғри соликларда кўриняпти.

Соликларни макроиктисодий даражада таҳмил қилганда асосан қуйидаги усуллар кент қўлманилади:

1. *Соликлар тушумларининг эластиклик коэффициенти = солик тизими ўзгармас ҳолдаги солик тушумининг фоиздаги ўзгариши / соликка тортиш базасининг фоиздаги ўзгариши*

Бу кўрсаткич солик тушумларини ҳақиқий соликка тортиладиган базага тўғри келишини ифодалайди.

2. Соликларни ялпи миллий даромад бўйича эластиклик коэффициенти қуйидагича бўлади:

Эластиклик коэффициенти = (ДАТ / АТ) / (ДЯМД / ЯМД)

бу ерда: ДАТ – ўзгармас солик тизимидағи солик тушумларини фоиздаги ўзгариши;

АТ – солиққа тортиш базасини фоиздаги үзгариши;

ДЯМД – ялпи миллий даромаднинг құшымча үсиши;

ЯМД – ялпи миллий даромаднинг базавий даражасы.

Эластиклик коэффициенті 1 дан юқори бўлса, у ҳолда солиқ тизими ҳам эластик (мосланувчан) ҳисобланади, яъни янги солиқлар ва солиққа тортиш мөъерлари үзгартмаган ҳолда солиқлар ҳажми ЯИМга нисбатан ўсади. Эластиклик бу ижобий ҳолат ва қайси мамлакатда давлат ҳаражатларининг үсиш суръатлари ЯИМнинг ўсими суъраталаридан юқори бўлса, бу ҳолатни аниқлаш керак.

3. Динамика коэффициенті солиқлар динамикасида олинган солиқ суммасини ЯИМ нисбий үсишніга нисбати олинади. Унинг формуласи қуйидагича бўлади:

$$\text{Динамика коэффициенти} = (\Delta T / T) / (\Delta \text{ЯИМ} / \text{ЯИМ})$$

бу ерда: T – солиқ миқдори (суммаси);

ΔT – жорий даврда солиқлар миқдорининг мутлоқ үзгариши.

4. Солиқларни йигилиш даражасини ифодаловчи самараадорлик индикатори бу самараадорлик коэффициентидир. У қуйидагича:

$$\text{Самараадорлик коэффициенти} = \text{Солиқ тушумлари} / \text{ЯИМ}$$

Солиқларни макроқұтисодий усулларда таҳлил қилишда солиқ тушумлари ва уларга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиб таҳлил қилиш керак. Солиқ тушумларига таъсир этувчи омиллар қуйидагилар:

- солиққа тортиладиган базанинг үзгариши;
- солиқ ставкасининг үзгариши;
- солиқларнинг йигилиш даражаси;
- солиқ түлөвчилар сонининг ортиши.

Юқоридаги омилларнинг таъсирини аниқлаш мақсадида куйидагича формула тузамиз:

- $C\Delta_0 = B_0 \times C_0 \times \Delta_0$ базис даврида;
- $C\Delta_1 = B_1 \times C_1 \times \Delta_1$ ҳисобот даврида;
- $\Delta C\Delta = C\Delta_1 - C\Delta_0$ солиқ тушумларини мутлоқ ўзгариши.

бу ерда: $C\Delta$ – солиқ тушумлари, B – солиққа тортадиган база, C – солиқ ставкаси, Δ – солиқтарни йиғилиш даражаси.

Солиқ тушумларига таъсир этувчи омилларни алоҳида – алоҳида кўриб ўтишимиз мумкин:

1. Солиққа тортадиган базанинг ўзгариши :

$$\Delta C\Delta_{(B)} = (B_1 - B_0) \times C_0 \times \Delta_0$$

2. Солиқ ставкасининг ўзгариши ҳисобига:

$$\Delta C\Delta_{(C)} = (C_1 - C_0) \times B_1 \times \Delta_0$$

3. Солиқтарнинг йиғилиш даражаси:

$$\Delta C\Delta_{(\Delta)} = (\Delta_1 - \Delta_0) \times C_1 \times B_1$$

Бунда:

$$\Delta C\Delta = \Delta C\Delta_{(B)} \pm \Delta C\Delta_{(C)} \pm \Delta C\Delta_{(\Delta)}$$

Бу таҳлилларни индекслар ёрдамида ҳам қилиш мумкин. Бу индекс солиқ тушумлари индекслари номини олади. Индекслар усулида жорий даврдаги солиқ тушумларини базис даври солиқ тушумларига бўлиш билан топилади. Умуман, юқоридаги усуллар ёрдамида давлатнинг солиқ сиёсатига баҳо бериш ва улар ёрдамида солиқтарни атрофлича таҳлил қилиш мумкин.

Статистик таҳлилларда бундан ташқари омиллар ўртасидаги боғланишни қанчалик даражада кучли эканлигини билдиш мақсадида корреляцион таҳлил ўсулийдан фойдаланилади. Корреляцион таҳлилда омиллар иккитага тенг бўлганда нормал тенгламалар системаси уч номаълумли (a_0, a_1, a_2), учта чизиқли тенгламадан иборат бўлади:

$$\left\{ \begin{array}{l} a_0n+a_1\Sigma x_1+a_2\Sigma x_2=\Sigma y \\ a_0\Sigma x_1+a_1\Sigma x_1^2+a_2\Sigma x_1x_2=\Sigma yx_1 \\ a_0\Sigma x_2+a_1\Sigma x_2x_1+a_2\Sigma x_2^2=\Sigma yx_2 \end{array} \right.$$

Мисол учун ушбу усулни шартли масала асосида күриб чиқамиз:

2001 – 2005 йиллар учун солиқ түшүмлари (y), солиқ түловчилар сони (x_1) ва солиқ ставкалари (x_2) ўртасидаги боғланишни күриб чиқамиз (25 – жадвалга қаранг):

$$\left\{ \begin{array}{l} 3a_0+547a_1+150a_2=19120 \\ 547a_0+59969a_1+16347a_2=2094300 \\ 150a_0+16347a_1+4598a_2=570280 \end{array} \right.$$

биринчи, тенгламани барча ҳадларини a_0 олдидаги сонга бўлиб чиқамиз, яъни, биринчи тенгламани 5 га, иккинчи тенгламани 547 га, учинчи тенгламани 150 га бўлиб чиқамиз:

$$\left\{ \begin{array}{l} a_0+109,4a_1+30a_2=3824 \\ a_0+109,6a_1+29,9a_2=3828,7 \\ a_0+108,98a_1+30,7a_2=3801,8 \end{array} \right.$$

Иккинчи ва учинчи тенглама қийматларидан биринчи тенглама қийматларини айриб ташлаймиз. Натижада икки номаълумли тенглама ҳосил бўлади:

$$\left\{ \begin{array}{l} 0,2a_1-0,1a_2=47 \\ -0,42a_1+0,7a_2=-22,2 \end{array} \right.$$

ушбу формуладан $a_1=-6,61$ ва $a_2=-35,7$. Юқоридаги тенгламалардан $a_0=5621,416$ қиймати келиб чиқади.

Шундай қилиб, нормал тенгламалар тизимининг регрессия тенгламаси қуидагича бўлади:

$$Y(x_1x_2) = 5621,416 - 6,64x_1 - 35,7x_2$$

Бу ерда, ушбу тенгламага x_1 ва x_2 ларнинг тегишли қийматларини қўйиб, кўп омилли регрессиянинг назарий қийматларини ҳисоблашимиз мумкин. Тенгламадаги a_1 ва a_2 параметрлари регрессия коэффициентлари бўлиб ҳисобланади. a_1 коэффициенти ҳар бир солиқ тўловчининг сони ошиши билан солиқ тушумлари 6,64 сўмга ошишини ва a_2 коэффициенти ставкаларни 1 фойзга туширилиши солиқ суммасини 35,7 сўмга камайишини кўрсатади.

Юқорида келтириб ўттан статистик таҳдилларимиз солиқ тизимини муваффақиятли амал қилишида ёрдам беради. Чунки, биз келтирган омилли таҳлил ва корреляцион таҳлил усуллари будунги кунда солиқ кўрсаткичларини таҳлил қилишда умуман қўлланилмайди. Ушбу таҳлил усулларини корхона ва давлат миқёсида қўллаш мумкин. Солиқ кўрсаткичлар пасайишига ёки кўпайишига таъсир этувчи омиллар амалиётда етарли даражада қўлланилмайди. Бу солиқ тушумларини етарли даражада келгусида башоратлаш ишларини амалга оширишга йўл қўймайди. Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб қўйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш мумкин:

1. Солиқларни иқтисодий-статистик таҳлил қилишда унга таъсир этувчи асосий омиларни аниқлаш керак ва шулар билан биргаликда, комплекс равишда таҳлилни амалга ошириш лозим;
2. Солиқ тизимида ва солиқ кўрсаткичларини ўрганишда, таҳлил қилишда иқтисодий таҳлил ва статистика усулларини амалиётда кенгроқ даражада қўллани лозим.

25-жадвал

Солиқ түшумлари (у) билан солиқ тұловчилар (x_1) ва солиқ ставкалари (x_2) ўртасидаги бөлгөнеші*

Солиқ түшумлары (у)	Солиқ тұловчилар (x_1)	Солиқ ставкалари (x_2)	Солиқ түшумлары (у)		Солиқ тұловчилар (x_1)		Солиқ түшумлары (у)		Солиқ тұловчилар (x_1)		Солиқ түшумлары (у)	
			2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
1	2001	3609	100	36	360000	129600	3600	12960000	10000	1296	3672,216	
2	2002	3700	110	33	407000	122100	3630	13690000	12100	1089	3712,916	
3	2003	3900	115	31	448500	120900	3565	15210000	13225	961	3751,116	
4	2004	3800	112	26	425600	98800	2912	14440000	12544	676	3949,536	
5	2005	4120	110	24	453200	98880	2640	16974400	12100	576	4034,216	
Σ	-----	19120	547	158	2094300	570280	16347	73004400	59969	4598	19123,0	

*Изөд: Жадвал шарының маңыздылықтар ассоциа мұаллифлар томонидан шызғылған

2.5. Корхоналар солиқ муносабатларини таҳдил қилишнинг асосий йўналишлари

Бозор муносабатлари ривожланиб борган сари корхоналар ва давлат ўргасидаги муносабатлар фақаттинг солиқлар орқали амалга оширилади. Корхоналар учун долзарб масалалардан ҳисобланган солиқ муносабатларининг таҳдили етарли даражада ишлаб чиқилмаган ёки кеңг оммага тушунарли эмас.

Корхоналар асосий солиқлардан ҳисобланган даромад (фойда) солиги ставкалари ва ундириш амалиёти йилдан-йилга ҳукуматимиз томонидан такомиллаштирилиб борилмоқда. Охирги йилларда ушбу солиқнинг ставкаси бир неча пункта пасайтирилди. Давлат бюджети даромадлари таркибини ўрганганимизда, даромад (фойда) солиги бюджет даромадларидағи салмоғи охирги йилларда камайиб кетди. Даромад (фойда) солигининг ставкасини пасайтиришдан мақсад корхоналар даромадларини қўлайтириш, бунинг натижасида ишлаб чиқаришни қенгайтириш ва келажакда бюджетта кўпроқ солиқ туппумини олиб келиш кўзланган эди. Лекин, бу сиёсат ҳанузгача ўз натижасини бермаяпти.

Шу мақсадда корхоналардан олинадиган даромад (фойда) содигини иқтисодий-статистик таҳдилини (микроиктисодий нуқтаи-назардан) қўйидаги шартли мисолларда кўриб ўтамиш.

Даромаддан олинадиган солиқ суммасига (C_d) бир қанча омиллар таъсир қиласи. Буларга даромаднинг солиқ тўланадиган қисми (A_c) ва солиқ ставкасини (C_t) киритиш мумкин. Натижа ва омиллар ўргасидаги боғлиқликни аниқлаш учун қуйидагича формуладан фойдаланилади:

$$C_g = A_c \times C_t$$

Бу ерда омиллар таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин:

1. Солиқ суммасининг даромадлар ўзгариши эвазига ўзгарғанлигини (ΔC_{Ac}) аниқлаш учун даромадларнинг ҳисобот давридаги фарқини ($A_{c1} - A_{c0}$) солиқ ставкасининг режадаги миқдорларига (C_{t0}) кўпайтирилади:

$$\Delta C_{gc} = (A_{c1} - A_{c0}) \times C_{t0}$$

2. Солиқ суммасининг солиқ ставкаси эвазига ўзгаришини (C_{ct}) ҳисоблаш учун солиққа тортиладиган даромад суммасининг ҳакиқий миқдорини (A_{ct}) солиқ ставкасини ўзгаришига ($C_{t1} - C_{t0}$) кўпайтирилади:

$$\Delta C_{cm} = A_{ct} \times (C_{t1} - C_{t0})$$

Агар ҳисоб-китоблар тўғри амалга оширилса, шу икки омилнинг таъсири натижаси ўзгаришининг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta C_g = \Delta C_{gc} \pm \Delta C_{cm}$$

Келтирилган омили статистик таҳлил усулига амалий маълумотларни қўллаб ечиш йўлларини амалиётда қўллаб кўриш мумкин.

Юридик шахсларнинг даромад солиги ҳажмининг ўзгаришига солиққа тортиладиган даромад ва солиқ ставкасининг таъсирини статистик усуллар билан таҳлил қилиш учун амалий масалани ечиш усулларини кўриб чиқамиз:

26 – жадвал

Курслакчалар	Утган милада	Ҳисо бот милада	Ҳами фарқи (+,-)	Шу жумладан даромад эвазига	Солиқ ставкаси эказига
Солиққа тортиладиган даромад, м.сўм	573,4	789,9	216,5	X	X
Солиқ ставкаси, %	26	24	-2	X	X
Солиқ суммаси, м.сўм	149,0	189,5	40,5	56,29	-15,79

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, даромаддан олинадиган солиқ суммаси 40,5 минг сўмга кўнайган. Бунда иккита омилиниг таъсири куйидагича бўлади:

1. Солиқка тортиладиган даромад суммасининг 216,5 минг сўмга кўпайганилиги солиқ суммасининг 56,29 минг сўм ($216,5 \times 26,0 : 100$) кўпайишига олиб қелган.

2. Солиқ ставкаси ўзгариши таъсирида солиқ суммаси 15,79 минг сўмга камайишига олиб кеди.

3. Одатда шу икки омили таъсири солиқ суммасининг умумий фарқига тенг бўлиши керак, яъни $56,29 - 15,79 = 40,5$ минг сўм. Демак, амалга оширган ҳисоб – китобларимиз тўғри.

~~Хар бир омили таъсирини улущини ҳисобланаш мумкин~~
Бизning мисолимизда даромад солишини ўсишининг 139 фоизини ($56,29 : 40,5 \times 100$) солиқка тортиладиган даромад суммасининг кўпайиши эвазига ошганилигини кўрамиз. Аммо солиқ ставкасининг 2 фоизга камайганилиги, солиқ суммасининг 39 фоизга камайтирганилигини кўрамиз ($15,79 : 40,5 \times 100$). Шу икки омили таъсири 100 фоизга ($139\% - 39\%$) тенг. Биз ушбу ҳисоб-китобларни услубий асос бўлиши учун келтирмоқдамиз, чунки солиқ суммаси аксарият ҳолларда шу икки омили таъсирида ўзгариб туради.

Статистик таҳлиллар жараёнида омиллар таъсирини кентгайтириш мумкин. Масалан, даромаднинг солиқ тўланадиган қисми (Δ_c), ялпи даромад (\mathbf{Y}_d) ва солиқ тўланадиган даромаднинг улущига (\mathbf{U}_{dc}) тенг. Бу боғлиқлик куйидагича ифодаланади:

$$\Delta_c = \mathbf{Y}_d \mathbf{X} \mathbf{U}_{dc}$$

Агар юқоридаги формулага (Δ_c ўрнига) ушбу формуладаги боғлиқликни алмаштириб қўйсан, биринчи формула қуйидаги шаклга эга бўлади:

$$C_g = \mathbf{Y}_g \mathbf{X} Y_{gc} \mathbf{X} C_m$$

Ушбу формуладан кўриниб турнибдикি, даромад тўланадиган солиқ суммасининг ўзгаришига учта омил таъсири қилмоқда. Солиқ суммасини ўзгаришига омиллар таъсирини кўриб чиқамиз:

- Солиқ суммасининг ялпи даромад таъсири эвазига ўзгаришини ($\Delta C_{A,yg}$) аниқлаш учун ялпи даромад фарқини (ΔY_A) солиқ тўланадиган даромад улушининг ўтган (базис) йилидаги миқдорига (Y_{Ac0}) ва солиқ ставкасининг ҳам базис йилидаги ҳажмига (C_{t0}) кўпайтирилади:

$$\Delta C_{g,yg} = \mathbf{Y}_g \mathbf{X} Y_{gc0} \mathbf{X} C_{t0}$$

- Солиқ суммасининг солиқ тўланадиган даромадлар улуши таъсири эвазига ўзгаришини ($\Delta C_{A,ydc}$) аниқлаш учун ялпи даромаднинг ҳисобот давридаги ҳажмини (Y_{A1}) солиқ тўланадиган даромад улушининг ўзгаришига (ΔY_A) ва солиқ ставкасининг базис йилидаги ҳажмига (C_{t0}) кўпайтирилади:

$$\Delta C_{g,ydc} = \mathbf{Y}_{g1} \mathbf{X} \Delta Y_{dc} \mathbf{X} C_{t0}$$

- Солиқ суммасининг солиқ ставкаси таъсири эвазига ўзгаришини (ΔC_{dst}) аниқлаш учун ялпи даромаднинг ҳисобот давридаги ҳажмини (Y_{A1}) солиқ тўланадиган даромад улушининг ҳисоботдаги миқдори (Y_{Ac1}) ва солиқ ставкасининг фарқига (ΔC_t) кўпайтирилади:

$$\Delta C_{g,stm} = \mathbf{Y}_{g1} \mathbf{X} Y_{gc1} \mathbf{X} \Delta C_t$$

Агар солиқ ставкаси ўзгармай қолса, натижанинг ўзгариши фақат иккита омил таъсирида бўлади. Бу омилларнинг таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши керак:

$$\Delta C_g = \Delta C_{g,yg} \pm \Delta C_{g,ydc} \pm \Delta C_{g,stm}$$

Ушбу ҳисоб-китобларни амалий мисолларда кўриб чиқамиз.

Бунинг учун қуийдагича жадвал тузамиз:

27 – жадвал

Курслакчалар	Утган йилда	Ҳисобот йилда	Форс	Номинал узумининг омиллар тасвирини ҳисоблан
1. Ялпи даромад м.сўм	671,4	881,6	210,2	$210,2 \times 85,4\% \times 26 = 49$
2. Солиққа тортиладиган даромаднинг ялпи даромаддаги улуши, %	85,4	89,6	4,2	$881,6 \times 4,2 \times 24 = 9,1$
3. Солиқ ставкаси, %	26	24	-2	$881,6 \times 89,6\% (-2) = -15,5$
4. Солиқ суммаси, м.сўм	149	189,5	40,5	$46,9 + 9,1 + (-15,5) = 40,5$

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таъкидланган солиқ суммаси 40,5 минг сўмга кўпайган. Бунга қуийдаги омиллар таъсир қилган:

1. Ялпи даромад суммасининг 210,2 минг сўмга кўпайгани солиқ суммасини 46,9 минг сўмга кўпайтирган:

$$210,2 \times 85,4\% \times 26\% = 46,9 \text{ минг сўм.}$$

2. Солиққа тортиладиган даромад суммасининг ялпи даромаддаги улуши ҳисобот даврида 4,2 фоизга кўпайган. Бу омил ҳам солиқ суммасини 9,1 минг сўмга кўпайтирган:

$$881,6 \times 4,2\% \times 24\% = 9,1 \text{ минг сўм.}$$

3. Солиқ ставкасини 2 фоизга камайиши, солиқ суммасини 15,5 минг сўмга камайтирган:

$$881,6 \times 89,6\% (-2\%) = -15,5 \text{ минг сўм.}$$

Юқоридаги усууллар ёрдамида корхоналарда солиқларни статистик таҳлил қилиш мумкин. Таҳлил маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг даромадлари ошиши билан бюджетта тўланадиган солиқ суммаси ҳам ортиб боради. Демак, даромадларнинг ошиши билан ҳам корхона, ҳам давлат бюджети

манбаатдор экан. Даромаддан олинадиган солиқларни статистик таҳлил қылган вақтда бунга күпгина омиллар таъсир күрсатади. Бу омиллар таъсирини статистиканинг бошқа усуларидан фойдаланиб, таҳлил қилиш мумкин.

Юқоридаги усулларни амалда күллаб, иш күрилса солиқ, идоралари ходимларига, статистика ташкilotлари ходимларига ва корхоналар мутахассисларига анча қулайликлар туғдирилади.

3-боб. СОЛИҚЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Солиқларни иқтисодий-статистик таҳлил қилишдаги асосий муаммолар

Бугунги кунда солиқ тизимининг мувваффакиятли ишланиш учун ҳукуматимиз томонидан бир қанча ислоҳотлар олиб борилмоқда ва бунишнинг натижасини, айниқса, 2004 йил якунларида барчамиз гувоҳи бўдик. Мустақиллик йилларида биринчى марта 2004 йилда ялпи ички маҳсулот олдинги йилга нисбатан 7,7 фоизга ўсади. Албатта, ЯИМнинг бу даражада ўсишида солиқларнинг роли каттадир. Чунки, давлат иқтисодий мунисабатларни ишлаб чиқаришини функцияларни солиқ тизими орқали бошқаради. Яъни, бу ерда солиқларнинг рағбатлантирувчилик функциясининг ўринини кўришимиз мумкин. Аммо солиқка тортиш ва солиқ тизимида шундай ҳолатлар учрамоқдаки, солиқлар ишлаб чиқаришини рағбатлантириши ўрнига, уни секинлантиришга ёки бўғиб кўйишга ҳаракат хилаёттанини кўрамиз.

Ушбу ҳолатларни ўрганиш, тизимнинг қаерида узилиш бўлаёттанини, улар корхоналар фаолиятига қандай таъсир этаёттанини, фуқаролар даромадига қанақа таъсири борлигини ва қолаверса, давлат бюджетининг қанча қисми солиқлар орқали тўлдирилаёттанини ва уларни бюджетнинг даромадлар қисмидаги камайиши ёки кўпайишига қандай омиллар таъсири этаёттанини аниқлаш учун доимий равишда иқтисодий-статистик таҳлил қилиб бориш лозим.

Ҳар бир фаолиятни амалга оширишда маълум муаммолар туғилади ва буни ечишга кўпчилик ҳаракат қиласи. Бугунги кунда солиқларни иқтисодий-статистик таҳлил қилишда

амалиётда бир қанча муаммолар учрамоқда. Бу таҳдилни амалга оширишда, аниқ холосалар чиқаришда муаммоли ҳолатлар келиб чиқмоқда. Солиқларни таҳдил қилишдаги асосий муаммолар қуидагилардан иборат:

- маълумот базасини етарли даражада шаклланмаганилиги;
- солиқ ҳисоб-китобларини жуда мураккаблиги;
- солиқ тизимида статистик кузатиш ва гурӯҳлаш ишларини йўлга қўйилмаганилиги;
- солиқ статистикаси кўрсаткичлар тизимини етарли даражада ишлаб чиқилмаганилиги;
- статистик таҳдилларда чет мамлакатлар усуларини кенг қўлланмаслиги;
- солиқ тушумларини ривожланишига таъсир этувчи омилларни тўлиқ ва кенг даражада таҳдил қилинмаслиги;
- турли мамлакатлар солиқ тушумларини мамлакатимиз солиқ кўрсаткичлари билан амалиётда таққосланмаслиги ва ўрганилмаслиги.

